БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 83 (18.859). • Якшанба, 8 апрель 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

ИЛҒОР ТАЖРИБА — ОММАГА

ҲОСИЛДОРЛИК ОМИЛЛАРИ

Ғўза — парвариш талаб ўсимлик. Ниҳоллар ердан униб чиқиши биланоқ сув, ўғит, ишлов талаб қилади. Тегишли шарт-шароит яратиб берилса, тез ўсиб, ривожланади, барвақт ҳосилга киради. Эртаги, сорти юқори пахта олиш ҳам асосан парваришнинг энг қулай агротехника муддатларида ўтказилишига боғлиқ. Биз бригадамизда ҳар йили гектаридан 60 центнердан ингичка толали пахта хирмони кўтаряпмиз. Бунинг сири шундаки, чигитни 4-5 иш кунида сифатли қилиб экиб оламиз.

Шуниси ҳам борки, ҳамма жойда ҳам чигит бир текис униб чиқавермайди. Ниҳоллар ола чиққан қаторлар, уяларга зудлик билан қўшимча уруғ қадаш керак. **Пахтадан юқори ҳосил оламан деган деҳқон чигитни қисқа фурсатларда тез ва соз экиши, кўчат сонининг бут бўлишига эришмоғи, сийраклиққа мутлақо йўл қўймаслиги керак.**

Чигит экилаётган кезларда ёғингарчиликлар оқибатида қатқалоқ юзага келади. Қатқалоқ тупроқ қатламига ҳаво, қуёш нури, ёруғлик сингишини мушкуллаштиради. Бегона ўтларнинг кўпайишига қулайлик яратади. Ниҳолларнинг нотекис униб чиқиши, ривожининг кечикиши ҳам қатқалоқ туфайлидир. Демоқчиманки, **аввало, қатқалоқнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Борди-ю пайдо бўлган тақдирда техника воситаларини тўла ишга солиб, уни тезкорлик билан йўқотиш зарур.** Қатқалоқдан сақлаб қолинган ҳар туп ниҳол ҳосилдорликни оширишда катта роль ўйнайди.

Бегона ўтларни таг-туги билан тугатиш тупроқ унумдорлиги, сув ва ўғитлар самарадорлигини оширади. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, бегона ўтлар ғўзага нисбатан сув ва ўғитларни кўп ўзлаштиради. Пахта сортининг пасайишига олиб келади. **Бегона ўтлардан қутулишимиз мумкин ва лозим. Бунинг учун чигитни, албатта, дорилаб экишимиз, айни кезда ҳар гектар майдонга белгиланган миқдорда гербицидлар сепилишини таъминлашимиз керак.** Бу борада мутахассисларнинг ташкилотчилик роли оширилиши талаб этилади. Гербицидлар сепилган майдонларда бегона ўтлар кескин камаяди. Лекин бутунлай йўқолиб кетади деб бўлмайди. Устма-уст ёғингарчиликлар бўлгач, улар яна кўпаяди. Хулоса шуки, **ҳамма майдонларга чигит экилишини кутиб ўтирмасдан дастлабки уруғ қадалган карталарда ниҳоллар кўзга ташланиш билан биринчи комплекс парваришни бошлаш ва қизғин давом эттириш керак. Биринчи галда ҳамма хил бегона ўтлар илдизи билан тўла тугатилиши шарт.** Биз бригадамизда бунга ҳамиша амал қиламиз.

Кўпчилик хўжаликларда чигит уяларга белгиланган миқдорда уруғ ташланадиган сеялкаларда экиляпти. Туксизлантирилган чигит тобора катта майдонларни эгаллаётир. Буларнинг ҳаммаси яхши. Лекин ҳозирча агротехниканинг муҳим тадбирларидан бири ҳисобланган яганани унутишга ҳақимиз йўқ. **Яганани ўз вақтида, сифатли қилиб ўтказиш билан кўчатлар сонининг бир хил қалинликда бўлишини тамъинлаб оламиз. Энг бақувват ниҳолларни ўстиришга қолдирамиз. Сийрак уяларнинг ўрнини тўлдирамиз.** Кўчат сони бут бўлгач, деҳқонларнинг кўнгли ўрнига тушади.

Ягана нечоғли эрта ўтказилса, шунча яхши. Бу ишга уста ва миришкор деҳқонларни қўйиш талаб этилади. Шуни ҳам айтиш керакки, ниҳоллар яганалаётган, чинбарг чиқараётган кезларда сел-жала, шамол-бўронлар, турли офатлар юз бериб, жиддий зарар етказганини кўп кўрганмиз. Илдиз чириш касаллиги ҳам учраб туради. Шуларни ҳисобга олиб, **ягана ўтказиш кезида ҳар гектар майдонда ўстиришга кўзда тутилганидан 10-15 процент зиёд кўчат сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир.** Яганани вегетация даврида барча хил машина-механизмлардан самарали фойдаланишни ҳам назарда тутиб ўтказиш зарур.

Афсуски, баъзи хўжаликларнинг раҳбарлари, шу жумладан, мутахассислари яганани сифатли ўтказишга етарли эътибор бермайдилар. Фурсатдан ютқазадилар. Сийрак уялар ўрнини тўлдириб олиш чораларини кўрмайдилар. Агротехниканинг бу муҳим тадбирини мустақил иш сифатида ўтказишга иккинчи даражали иш деб қарайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Кўпинча мендан юқори ҳосил олишнинг

асосий омили нимадан иборат деб сўрашади. Органик ўғитлардан ишнинг кўзини билиб оқилона фойдаланишда деб жавоб бераман. Ҳақиқатан ҳам шундай. Гўнг, қўй қийи, паррандалар чиқиндиси, эски иморатларнинг тупроғи ва бошқа **органик ўғитлар тупроқ тузилишини яхшилайди, донадорлигини оширади. Энг муҳими намни буғланишдан сақлайди. Чигит тез униб чиқиши, ниҳоллар текис ва соғлом ривожланишига қулай шароит яратади. Етарли миқдорда органик ўғитлар солинган карталарда ҳатто кучли ёғингарчиликлардан кейин ҳам қатқалоқ пайдо бўлмайди.**

Биз бригадамиз бўйича гектар ҳисобига 35-40 тоннадан органик ўғит соламиз. Лекин молхона, қўйхона, паррандахоналарда тўпланган ўғитларни ташиб чиқиб ерга солиш билан иш битмайди. Уни чиритиш, яхшилаб тайёрлаш, майин ҳолга келгандан кейингина қатор ораларига солиш керак. Акс ҳолда турли зараркунандаларни кўпайтириб қўйиши мумкин. Бригадамиз аъзоларидан бир қисмини йил — ўн икки ой органик ўғитлар жамғаришга қўйғанмиз. Улар узоқ чорва яйловларидан ҳам ўғит ташиб келтирадилар. Шуниси характерлики, минерал ўғитлар қатор ораларига маълум муддатларда солинади. Органик ўғитларни эса чигит экишдан тортиб, пахта қийғос очилгунча ҳам солавериш мумкин. Айниқса, кузги шудгорлаш пайтида солинса самарадорлиги янада юқори бўлади. Хулоса шуки, **барча хўжаликларда ҳар гектар майдонга камида 35-40 тонна яхши тайёрланган органик ўғит солишни қўнда қилиб қўймоғимиз ва шунга амал қилмоғимиз керак.**

КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми бошланган суръатни, вазифаларни амалий ҳал этишга қаратилган умумий кайфиятни сақлаб қолиш, реал ва салмоқли натижаларга бутун чоралар билан эришиш вазифаларини кун тартибига қўйди. Шу жиҳатдан олганда бригадамиз аъзолари бу йил нималар қилмоқчи?

82 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 72 центнердан ингичка толали пахта хирмони кўтарамиз. Аҳмад Амиров, Ҳаким Тўраев каби механизаторларимиз кунлик чигит экиш графигини ортиғи билан бажармоқдалар. Сувчиларимиздан Тошпўлат Тўхтаев, Омон Камолов, колхозчиларимиздан Адолат Абдураимова, Гулбаҳор Қароровалар кунига икки кунлик графикка тенг дала ишларини адо этишяпти. Биз ҳар гектар майдонда «АШ—25» нав чигитининг 75-80 минг туп, «Термиз — 14» навининг 135-140 минг туп ниҳоли бўлишини таъминлаш билан рекорд ҳосилга мустаҳкам замин яратамиз.

Ҳасан МУХТОРОВ,
Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

● Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кучайтирайлик!

● Чигит экишни бир иш ҳафтаси ичида сифатли қилиб тамомлаш — шарафли бурчимиз!

● Ҳамма ерда илғор Тошкент технологиясини жорий қилишга, экинлар структурасини такомиллаштиришга, гектарларнинг тўла бўлишига, бажариладиган барча агротехника жараёнларининг сифат жиҳатдан таъминланишига алоҳида эътибор берайлик!

● Партиянинг меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш тўғрисидаги талаби агросаноат комплексидаги барча бўғинлар фаолиятида қонун бўлиб қолмоғи зарур.

ВАТАН АДАБИЁТИНИНГ ИФТИХОРИ

Н. В. Гоголь туғилган кунининг 175 йиллигига бағишланган тантанали кеча

Николай Васильевич Гоголнинг қудратли бадиий ижодиёти барҳаётдир. У гениал асарлар яратиб, Ватан адабиётининг шон-шуҳратини оширди, жаҳон маданиятига бебаҳо ҳисса қўшди. Ёзувчи халқнинг битмас-туганмас кучларини одатдан ташқари теранлик ва самимийлик билан кўрсатиб берди, Россиянинг улуғ келажагини башорат қилди.

Гоголь ҳамиша замонавийдир. У туғилган кундан буён 175 йил ўтган бўлишига қарамай, бизнинг кунларимизда ҳам одамлар ажойиб ватанпарвар санъаткорнинг китобларига илҳом ва донишмандликнинг ҳаётбахш манбаи сифатида мурожаат этиб келмоқдалар. 6 апрель куни Москвадаги Союзлар уйининг Колонна залида бўлиб ўтган тантанали кеча улуғ рус ёзувчиси хотирасига нисбатан умумхалқ меҳр-муҳаббати ва ҳурматининг ифодаси бўлди.

Кечада В. И. Воротников, П. Н. Демичев, М. В. Зимянин ўртоқлар, КПСС Марказий Комитети бўлимларининг мудирлари Б. И. Стукалин, В. Ф. Шауро, шунингдек Украина ССР делегацияси, бошқа иттифоқдош республикалар адабий жамоатчилигининг вакиллари, маданият ва фан арбоблари, Москва корхоналарининг меҳнаткашлари ҳозир бўлдилар.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Є. Михалков Гоголни таърифлаб берди.

Кечада мамлакат бадиий жамоатчилиги вакилларидан М. Алексеев, Г. Бердников, Г. Боровик ва Р. Шчедрин (Москва), П. Загребельний (Киев), А. Чепуров (Ленинград), С. Азимов (Тошкент) буюк сўз санъаткорининг ижодиёти абадий аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида, унинг китоблари бутун халққа манзурлиги ҳақида гапирдилар.

(ТАСС мухбири).

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

6 апрель куни Москвада пойтахт меҳнаткашлари ва гарнизони жангчилари вакилларининг Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари кунига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири И. Ф. Дмитриев, СССР Министрлари О. Д. Бакланов, Э. К. Первишин, П. С. Плешаков, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош Сиёсий бошқармасининг бошлиғи, армия генерали А. А. Епишев, ҳарбий бошлиқлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари президиумдан жой оладилар.

Йиғилишда Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг Бош қўмондони — СССР Мудофаа министрининг ўринбосари авиация маршали А. И. Колдунов нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненкога табрикнома қабул қилдилар.

(ТАСС).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш, маҳсулот сифатини ошириш каби энг асосий халқ хўжалик вазифаларини ҳал этишда стандартлаштириш муҳим роль ўйнайди. Ўлчовлар бирлигини таъминлаш, стандартлар ва ўлчов техникаси воситалари устидан давлат назоратини амалга ошириш, маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини жорий этишда республика корхоналари ва ташкилотларига амалий ёрдам бериш соҳасидаги катта ишлари учун СССР Стандартлар давлат комитети Ўзбекистон республика бошқармаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган эди.

7 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин коллективга юксак мукофотни топширди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Ҳўжаев қатнашди.

* * *

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги муваффақиятлари учун Сурхондарё область комсомол ташкилоти бултур ўтказилган Бутуниттифоқ кўриги якунлари юзасидан ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди. Бугун ана шу юксак мукофот тантанали вазиятда Сурхондарё комсомолларига топширилди.

(ЎзТАГ).

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

«Совет Ўзбекистони» ва ЎзТАГ мухбирлари хабар қиладилар

РОМИТАН районидаги «Ромитан» совхозида чигит экиш авжида. Пахтакорлар бу муҳим агротехника тадбирни 7—8 иш кунида тугаллаш учун курашмоқдалар. Бу иш конвейер усулида ташкил қилинган. Механизаторлар маҳаллий ўғит солинган майдонларни бороналаб, чизеллашяпти. Экипаж аъзолари кафтдек текисланган майдонларга барака уруғи қадашмоқда.

Чигит экишда Исмат Эргашев бошқарувчи бўлган бўлим азаматлари пешқадамлик қилишаётир. Бешта экиш экипажи барака уруғи қадаяпти.

— Чигит ернинг ўз намига бехато ундириб олиш учун экиш билан бир қаторда, ерга минерал ва маҳаллий ўғит қоришмаси солинаётир, — дейди бўлим бошқарувчиси И. Эргашев. —Бу тупроқнинг қизишига ва намининг яхши сақланишига ёрдам беради. Суратларда: илғор механизатор Болта Қаҳҳоров; экиш пайти.



В. Молгачёв фотолари.

ЮҚОРИ СУРЪАТ

Чуст районидаги «Ўзбекистон» колхози пахтакорлари чигит экишни бошлаб юбордилар. Хўжаликнинг Ғуломжон Мадиёров бошлиқ бригадаси аъзолари ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилишган.

— Эрта экилган ҳосил эрта йиғиб олинади,— дейди бригада бошлиғи Ғ. Мадиёров. — Шунинг учун бригадамиз деҳқонлари ерни чигит экишга барвақт тайёрлашди, техника ва механизмларни эса қишдаёқ сифатли созлаб қўйган эдик. Дастлабки куни моҳир механизатор Солижон Нишонов ва сеялкачи Тожибой Турдиев беш гектарга яқин майдонга барака уруғи қадашди.

Поп райони хўжаликларида ҳам чигит экиш қизғин тус оляпти. Райондаги «Партия XXII съезди» колхозининг Ж. Эргашев бошлиқ бригада айниқса экишни уюшқоқлик билан амалга оширмоқда.

МАРРА—22 МИНГ ТОННА

● Фарғона районидаги «Фарғона» совхозида картошка экиш қизғин бошланиб кетди. Хўжаликда бу йил 340 гектар майдонда картошка етиштирилади. Картошкачиликка ихтисослаштирилган «Ленинизм» бўлими далаларида экиш агрегатлари тўла қувват билан ишлатилмоқда. Ҳар бир бригадада кунига 7—8 гектар майдонга уруғ ташланяпти.

Шунингдек, Олтиариқ, Охунбобоев, Бағдод, Бувайда, Ўзбекистон, Тошлоқ районлари хўжаликлари ҳам картошка экишга қизғин киришдилар. Риштон райони картошка етиштиришда областда етакчи ўринни эгаллайди. Район деҳқонлари бу йил давлатга 22 минг тонна картошка етказиб бериш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятларини бажариш учун экиш-тикиш ишларини юқори суръат билан олиб бормоқдалар.

МАККАЖЎХОРИКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Элликқалъа районидаги Ленин номли, «Қирққизобод» колхозлари маккажўхорикорлари экишни автоном республикада биринчи бўлиб бошлаб бердилар. «Москва» совхозининг Зуҳра Матқаримова, Ҳусанбой Очилов, «Дўстлик» совхозидан Тожигул Исмоилова, Калинин номли колхозидан Раҳим Женисбоев, Оржоникидзе номли совхозидан Гулсара Бердибоева раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳам маккажўхори экиш қизғин. Бригадалар механизаторлари ерга барака уруғи қадашни оби-тобида ўтказиш учун суръатни тобора жадаллаштирмоқдалар. Ана шу бригадаларнинг маккажўхорикорлари гектар бошига 110—120 центнердан «каҳрабо дон» етиштиришга қарор қилганлар.

ТЎЙИМЛИ ОЗУҚА

Сурхондарё областининг Гагарин районидаги «Комсомолобод», Жарқўрғон районидаги «Жарқўрғон» совхозларида ва бошқа хўжаликларда бу йил перко ва рапс экилган ерларнинг ҳар гектаридан 300—350 центнердан кўк масса ўриб йиғиб олинмоқда. Кўк масса даладан тўппа-тўғри чорвачилик фермаларига келтирилмоқда, бу эса чорванинг емхашак рационини анча бойитади.

Кейинги йилларда областнинг барча районларида оралиқ экинлари учун каттагина майдонлар ажратилмоқда. Бу экинлар ем-хашак базасини тўлдирибгина қолмай, шу билан бирга бошқа экинлар экиш учун ҳам ерни жуда яхши бойитади. Ҳозир бўшаётган майдонларга чигит ва дон учун маккажўхори экилмоқда.

БЕШ ИШ КУНИДА

— Чигит экишни беш иш кунида тугаллаймиз! Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхознинг Ленин ордени кавалери Абдурахмон Бекмуродов бошлиқ бригадаси азаматлари ана шу шиор остида иш бошладилар. Дастлабки куниёқ кўзда тутилганидан кўпроқ майдонга барака уруғи қадалди. Бу ишда Холмуҳаммад Рўзибоев, Соли Ортиқбоев ва Исроил Отақўзиев, Мақсуд Қодиров каби механизатор ва сеялкачилар жонбозлик кўрсатишаётир.

— Коллективимиз 125 гектар майдонга чигит қадаб, деҳқончилик қилади. Мақсадимиз ҳар гектардан 50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришдир, — дейди бригада бошлиғи А. Бекмуродов. — Чигитни тупроқнинг табиий намига ундириб олиб, гектарларнинг тўла бўлишини таъминлаймиз. Бу билан мўл ҳосилга дастлабки пойдевор яратган бўламиз.

НИҲОЛЛАР УНИБ ЧИҚДИ

САРДОБА. Сирдарё областидаги «Оқолтин» агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Ғаллакор» совхозининг маккажўхорикорлари экиш-тикиш ишларини ниҳоясига етказмоқдалар. Бунда хўжаликнинг Искандар Урсалиев, Абдувоид Давронов, Зокиржон Аҳмадалиев сингари тажрибали механизаторлари алоҳида ғайрат кўрсатиб ишладилар.

Дастлабки уруғ ташланган майдонларда маккажўхори ниҳоллари униб чиқмоқда. Шунинг учун ҳам ерга биринчи бўлиб уруғ ташлаган Камол Ҳусанов, Шариф Ҳакимов, Турсун Ҳайдаров сингари ўртоқлар бош бўлган бригадаларда ниҳолларга дастлабки ишлов беришга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

СЕЛЕКЦИЯЧИЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников Москвада қишлоқ хўжалик экинларининг янги навлари ва дурагайлари виставкасини бориб кўрдилар. Шу навлар ва дурагайлар 1985 йилда районлаштиришга тавсия этилмоқда.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг раҳбарлари, мутахассислар, олимлар ва селекциячилар селекция ишларининг натижалари тўғрисида, шунингдек янги интенсив навлар ва дурагайларни деҳқончиликка жадаллик билан жорий этиш учун ҳал этилиши лозим бўлган муҳим проблемалар ҳақида, уруғчиликни янада ихтисослаштириш ва концентрациялаш, уни саноат негизига ўтказиш юзасидан кўрилган тадбирлар тўғрисида гапирдилар.

Виставкани кўздан кечириш вақтида бўлиб ўтган суҳбатда селекция ва нав синашни такомиллаштириш деҳқончиликни интенсивлашнинг энг муҳим бўғинларидан бири, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ўстиришнинг, уларнинг ялпи ҳосилини оширишнинг асосий воситаси эканлиги таъкидланди. Интенсивлашнинг бу омили СССР Озиқ-овқат программасида кўзда тутилган топшириқларни бажаришда алоҳида аҳамият касб этади. Селекциячилар, қишлоқ хўжалигининг барча мутахассислари КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва шундан кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, Озиқ-овқат программаси вазифаларини ҳал этиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш учун кучғайратларини оширадилар, деб қатъий ишонч билдирилди.

(ТАСС).

КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ

АҲМАДБОБО НЕГА ТАЖАНГ?

Аҳмадбобо Бегматов саксон етти баҳорини қаршилабди ҳамки, тиниб-тинчимайди. Айниқса кўчат ўтказиш, боғ-роғлар бунёдга келтиришга бош-қош! Бобо ислиқомат қилаётган Қарши районидаги «Партия XXII съезди» совхозининг кўпгина боғ-узумзорлари унинг номи билан боғлиқ.

Яқинда бобо совхоз боғлари, узумзорларини айланиб, ҳафсаласи пир бўлди. Қува, Дашнабод, Варганза анори, Майманок бодоми билан бўй бўйлашиб, тенг-тенглашадиган Лағмон ва Каманди узумлари. Кўкчак анжирлари қани? Ширази тилни ёрадиган ўша узум ва анжирлар Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик кўргазмасида намойиш этилган эдику?! Е табиий офатга дуч келиб йўқолиб кетдими? Бобо ўйлаб ўйининг поёнига етолмас эди.

Аслида эътиборсизлик ва қаровсизлик оқибатида шуҳрат таратган ўша боғлардаги мевали дарахтлар, тон ниҳоллари қуриб кетди.

— Биргина Лағмон қишлоғида 160 гектар токзор бор эди, — эслайди кекса боғбонлардан бири Зиёдулла бобо Файзуллаев, — ҳар йили 200 тонна узум етиштирилиб, майиз қилинарди. Ҳозир токзор 100 гектарга ҳам етмайди. Мевали боғларнинг аҳволи ҳақида гапирсанг тилинг, гапирмасанг дилинг қуяди. Наҳотки, элюртга чирой бериб турган, меҳнаткашларнинг дастурхонини тўкин-сочин қилаётган боғлар, узумзорларга шундай муносабатда бўлинса? Нега совхоз раҳбарлари қадимий боғлар, токзорларни қайта тиклаш тўғрисида ўйлаб кўришмайди?

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

Бу саволга совхоз директори Худойқул Худойбердиев шундай жавоб қилди:

— Ер шўрланди. Натижада мевали дарахтлар, токлар қуриб қоляпти...

Ернинг шўрини ким камайтириши керак? Сизот сувни қочириб, шўрни йўқотадиган техника воситалари кимнинг ихтиёрида? Нега улар ишга солинмайди, зовурлар чуқур қазилиб, сизот сув камайтирилмайди? Бу ишларнинг бошида кимлар туриши керак?

— Боғ-роғлар, узумзорлар халқ мулки, — дейди Аҳмадбобо, — майдонларни кенгайтириш, ҳосилдорлигини ошириш шарафли бурч! Шундай экан, кўҳна боғлар, узумзорлар тиклашни шарт. Бу ишда ҳиммат кўрсатиш совхоз раҳбарларига боғлиқ. Агар улар бу ишнинг уддасидан чиқмасалар масалага юқори ташкилотларнинг раҳбарлари аралашадилар, деган умиддамиз.

Ҳа, бобонинг эътирозлари ўринли. Район агросаноат бирлашмаси раҳбарлари бу борада таъсирчан чоралар кўришлари керак.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОМИТЕТНИНГ ИШ УСЛУБИ

САБОҚ

Бошланғич партия ташкилотининг Антонина Панкратовани КПСС Устави 8. параграфи бўйича партия аъзолигидан чиқиб кетган ҳисоблаб қабул қилаётган қарори кишиларни ўйланишга, қўйилаётган айбларни обдон таҳлил этишга, ягона адолатли хулосага келишга ундар эди. Хўш, коммунист нега партия ташкилотидан ажраб қолди, йиғилишларга қатнашмайди? Бунинг устига аъзолик бадалларини вақтида тўламайди? Машинасозлик заводининг партия ташкилоти эса ана шу саволларга жавоб топиш билан яқиндан, ижодий шуғулланмади. Устав талаблари бузилганини асос қилиб қарор чиқарди.

Андижон шаҳар партия комитети қошидаги партия комиссияси аъзолари коммунистнинг пассивлик сабабларини ўрганиш, сўнгра ана шу жазога лойиқ топилгандагина қарор тасдиғини шаҳар партия комитетининг бюросидан сўраш лозим деган хулосага келдилар. Бу масала билан партия комиссиясининг раиси М. Денисова шуғулланадиган бўлди. У партия ташкилоти йиғилишининг тафсилотини ўрганди, коммунистларнинг фикрига қулоқ солди. Антонина Панкратова билан юракдан суҳбатлашди. Унинг қалбида туғён ураётган ҳисларини илғаб олишга ҳаракат қилди.

Маълум бўлишича, маслакдошлари кўпинча собиқ эрининг «арз-додига» қулоқ солганлар. Бутун хулосани унинг фикри асосида чиқарганлар. Натижада, унинг ишдан кўнгли совиб, партия ташкилотининг фаолиятида қатнашмай қўйди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Хомидов ҳам коммунист билан суҳбатлашди. Зарда қилиб партиявий бурчни англамаслик қўпол хато эканлигини тушунтирди. Ўз навбатида у ўз хатти-ҳаракатига тўғри баҳо беролди. Шаҳар партия комитетининг бюроси коммунистга қаттиқ виговор бериб, бошланғич ташкилотнинг қарорини бекор қилди.

Адолат қарор топди. Лекин бу билан масалага нуқта қўйилгани йўқ. Аксинча, партия комиссияси жазо олган коммунистнинг ишлаб чиқаришдаги фаолиятида жамоат ўртасидаги хулқ-атворини назоратга олди. Унинг унумли ишлаши ҳақида ғамхўрлик кўрсатди. Лаёқати ва қобилиятига яраша иш билан таъминлади. Бошланғич партия ташкилоти йиғилишларининг бирида ҳисоботи муҳокамага қўйилди. Вақти-вақти билан шаҳар партия комиссиясига таклиф қилиб турилди. Натижа шу бўлдики, Антонина Панкратова машинасозлик заводининг илғор ишчилари қаторидан жой олди. Бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажарувчилар ҳаракатига қўшилиб, машина-ускуналар қувватидан унумли фойдаланиш ташаббусини бошлади. Партия йиғилишларида фаол қатнашиб, умумий юксалишга нафи тегадиган қимматли таклифларни ўртага ташлайдиган бўлди. Шаҳар партия комитетининг бюроси ўз ишида ўзгариш ясаб, ташаббус кўрсата бошлаган, жамоат ишларида актив қатнашаётган А. Панкратованинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига муносиб баҳо берди. Ундан партиявий жазо олиб ташланди.

— Умуман, — дейди партия комиссияси раиси М. Денисова, — шаҳар партия ташкилотлари жазоси бор коммунистлар билан ишлашни тобора такомиллаштириб боряпти. Бундай коммунистларнинг ҳар бири шаҳар партия комитети секретарлари, бўлим мудирлари, қолаверса, бошланғич партия ташкилотларининг диққат-эътиборида турадилар. Коммунистнинг партиявий жазо олгандан кейинги фаолиятидаги ўзгаришлар ўрганиб борилади. Тез-тез партия йиғилишларида уларнинг ҳисоботларини тинглаш анъанага айланди.

Андижон аэропортининг бошлиғи Я. Усмонов молиявий интизомнинг бузилишига йўл қўйди. Шаҳар партия комитети унга виговор эълон қилди. У партиявий жазодан тўғри хулоса чиқарди. Молия ва план интизомини мустаҳкамлаш тадбирларини изчил амалга оширди. Партия комиссияси ва бошланғич партия ташкилоти Усмоновнинг хатти-ҳаракатини мунтазам назорат қилиб борди. Йиғилишларнинг бирида раҳбар сифатидаги ҳисоботи муҳокамага қўйилди. Шундан кейин у янада ижодкорлик кўрсатиб ишлай бошлади. Авиаторлар меҳнатини намунали ташкил этиш, юк ташишда прогрессив усуллардан фойдаланишни таъминлади. Ўртоқ Усмоновнинг ишчанлиги туфайли аэропорт республика ва Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида совринли ўринларни олди. Шундан кейин унинг партиявий жазоси олиб ташланди.

Партиявий жазо олганлар орасида хулқ-атворида жиддий хатога йўл қўйганлар ҳам учрайди. Партия комиссияси бундай коммунистларнинг юксак ахлоқли ва маънавий пок бўлиб тарбияланишлари тўғрисида ғамхўрлик қиладилар. Масалан, 1-қурилиш бошқармаси монтажчилар бригадасининг бошлиғи У. Ражабоев қаттиқ виговор олган эди. Шундан кейин ҳулқ-атворини ўнглаш пайига тушди. Бу борада унга 162-қурилиш трести партия комитетининг аъзолари яқиндан кўмаклашдилар. Жамоат топшириқлари бериб, унинг ижросига талабчанлик билан ёндашдилар. У ўзи йўл қўйган камчиликларни фидокорона меҳнат билан оқлашга интилди. Трест бўйича ташкил этилган социалистик мусобақада бир неча марта ғолиб чиқди. Ип газлама комбинати қурилишида ташаббус билан ишлади. У шу кунларда 1986 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

3-пахта тозалаш заводи директорининг ўринбосари А. Ғаффоров ҳам партиявий жазодан тўғри хулоса чиқариб, сиёсий ва меҳнат активлигини ҳар қачонгидан оширди. Партия комитетининг топшириқларини сидқидилдан бажариш билан ишонч қозонди.

Партиявий жазоси бўлган коммунистлар билан ишлашда кенг активга таянилмоқда. Бу ишга партия ва меҳнат ветеранлари кўпроқ жалб этиляпти. Партия комиссиясининг 15 аъзоси бўлиб, уларнинг барчаси эътиборли кишилардир. П. Дамин-Зубов, А. Овчинников, Р. Азизов, Т. Воситжонов, Н. Самсоновлар коммунистларда юксак ишчанлик ва ахлоқий фазилатларни шакллантиришда катта тарбиявий ишларни олиб боряптилар. Улар шаҳар партия комитетининг бюросига масала тайёрлашдан тортиб коммунистнинг шахсий ишини кўришгача бўлган жараёнда ҳамиша принципиал позицияларда турадилар. Уларнинг талабчанлиги билан айрим иш участкалари коммунистлар билан мустаҳкамланди, партия ва комсомол ташкилотлари тузилди. «Андижанирмаш» заводи, якка буюртма билан пойабзал тикиш ва ремонт қилиш фабрикаси, 24-қурилиш трести, вагон депоси партия ташкилотларига эса коммунистларнинг шахсий ишини кўриб чиқишни яхшилашда амалий ёрдам кўрсатилди.

Шаҳар партия комитетининг партия комиссияси ўз ишини янада такомиллаштирмоқда. Коммунистлар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ва ташкилий-партиявий ишларнинг услуб ҳамда формаларини кенг қўлланиш муҳим аҳамиятга эга бўляпти.

М. НИЕЗОВ.

21 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

▲ БУХОРО

«Союзузбекгазпром» бирлашмасига қарашли автотранспорт корхонасининг энг яхши қайдовчиларидан П. Степанов, М. Ҳасанов ва Х. Аракелян коммунистик шанбаликда бир ярим кунлик топшириқни бажаришга қарор бердилар. Улар шу куни барча рейсларда тежаб қолинган ёнилғи-мойлаш материаллари ҳисобига қатнайдилар. Илғорларнинг тажрибаси кенг қўллаб-қувватланмоқда. Меҳнат байрамида корхонанинг барча ишчилари, хизматчилари иштирок этадилар. Кўп юк ташийдиган автомобилларнинг қайдовчилари табиий офатдан зарар кўрган Газлиға пармалаш бригадалари учун асбоб-ускуналар ва бинокорлик материаллари етказиб берадилар.

▲ НАМАНГАН

Наманган шойи газламалар комбинатининг Ҳаққулобод филиалида ташкил этилган штаб 21 апрель куни корхона ишчиларининг қиладиган меҳнатини белгилади. Шанбаликда барча 400 ишчи ва хизматчи ишлайди.

— Вазифалар белгилаб олинган ҳозирги пайтда барча иш жойларида меҳнат унумдорлигини оширишнинг қўшимча резервлари қидириб топилади, дейди шанбаликни ўтказувчи штаб бошлиғи У. Алибоев. — Биз 21 апрель куни 2,5 тонна юқори сифатли калава ишлаб чиқарамиз. Бу одатдагидан юз килограмм кўпдир. Шу куни ишлаб топилган бутун маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

▲ ТОШКЕНТ

«Қизил тонг» бирлашмасининг тикувчилари коммунистик шанбалик кунида енгил пальтоларнинг янги моделини тикиб чиқаришга қарор бердилар. Корхона меҳнаткашларидан мингдан ортиқ киши 21 апрелда ўз иш жойларини эгаллайди. Улар 320 минг сўмлик — одатдаги кунлик нормадан 50 минг сўмлик кўп маҳсулот тайёрлайдилар.

(ЎзТАГ).

Бугун—Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни

ОСМОН СОҚЧИЛАРИ

Бугун мамлакатимиз меҳнаткашлари ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари кунини нишонлайдилар. Бу қўшинлар кеча-ю кундуз, ёзнинг жазирама кунларида, қишнинг аёзли совуқларида ҳам она-Ватанимизнинг ҳаво чегараларини ҳушёрлик билан қўриқламоқдалар. Улар ракетачилар, учувчилар, локаторчилар, алоқачилар ва бошқа кўп касбдаги жангчилардир.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ҳамиша жанговар шай бўлиб турган қўшинлардир. Уларнинг зиммасига ҳар қандай агрессорнинг СССРдаги объектларга, унинг территориясига тўсатдан ҳужумини барбод қилишдек энг масъулиятли вазифа юклатилган. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг жанговар шай бўлиб туришида жанговар навбатчилик алоҳида ўрин тутади. Навбатчилар давлат аҳамиятига эга бўлган вазифани бажарадилар. Бу вазифа эҳтимол тутилган душманнинг ҳаводан биринчи зарба воситалари ҳужумини қайтаришдан, СССРнинг ҳаво чегараларини бузувчилар жазосиз қолмаслигини таъминлашдан иборат. Бу қўшинларнинг жангчилари ўз зиммаларидаги ана шу ғоят масъулиятли вазифани шараф билан бажариб келмоқдалар, Ватанимизнинг ҳаво чегаралари дахлсизлигини таъминламоқдалар.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни 1975 йилдан буён нишонланмоқда. Бу байрам Улуғ Ватан уруши даврида ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг жуда катта хизматларини нишонлаш юзасидан таъсис этилган бўлиб, апрель ойининг ҳар иккинчи якшанба куни нишонланади.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг туғилиши В. И. Ленин номи билан, гражданлар уруши йилларида Октябрь революцияси ғалабаларини ҳимоя қилиш билан боғлиқдир. Бу қўшинлар ўз жанговар ҳисоблаларини 1917 йил 30 октябрда Пулково районида оқ гвардиячиларининг биринчи самолётини уриб тушириш билан очган эдилар. Самолётларга қарши зенит батареялари ва авиация қирувчи дивизионлари Улуғ Ватан уруши йилларида мардлик билан, маҳорат билан жанг қилдилар.

Улуғ Ватан уруши йилларида бошқа қўшин турлари каби ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ҳам жуда катта синовдан ўтди. Улар уруш йилларида душманнинг 7313 самолётини, мингдан ортиқ танкини, 1500 га яқин тўп ва миномётларини, бошқа жуда кўп техника ва жонли кучларини яксон қилиб ташладилар.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг қанчалик маҳорат билан жанг қилганликларини кўрсатиш учун қуйидаги мисолни келтиришнинг ўзи кифоядир. Уруш йилларида фашистлар авиацияси Москвага 134 марта ҳужум уюштирди. Ҳаво ҳумидан мудофаа қўшинлари душман авиациясининг Москвага ҳужумини қайтариш вақтида фашистларнинг 1305 самолётини уриб туширидилар.

Улуғ Ватан уруши йилларида жангчи ва командирларнинг кўрсатган жасоратлари юксак баҳоланди. Мамлакатни ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинларининг 80 мингдан ортиқ солдат ва офицерлари, генераллари орден ва медаллар билан мукофотланди. Жумладан 93 кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. 34 қаҳрамон жангчининг номи ҳарбий қисмлар рўйхатига абадий ёзиб қўйилган.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ўз зиммаларига юклатилган вазифани шараф билан адо этиш учун қудратли қуроллар, жанговар техника билан таъминланган. Унда ишониб топширилган қуролни аъло даражада ўзлаштирган жангчилар хизмат қилмоқдалар. Жуда катта қудратга эга бўлган зенит ракета қўшинларимиз Ватанимизнинг ҳаво чегараларини ишончли ҳимоя қилмоқдалар. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари составидаги авиация эса душман ҳужумини ўзлари ҳимоя қилиб турган объектдан анча олиндаги қайтаришга қодирдир. Шунингдек, радиотехника қўшинлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Бироқ, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларида энг асосий куч жангчиларимиздир. Улар мунтазам жанговар меҳнатлари билан жанговар тайёргарликларини оширмоқдалар, замонавий жанг қилиш маҳоратини эгалламоқдалар.

Гражданлар уруши йилларида туғилган шонли жанговар традициялар, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари жангчиларининг кўрсатган мислсиз жасорати Ватанимиз ҳаво чегараларини ишончли равишда қўриқлашдек қийин ишда жангчиларнинг янги-янги авлодларини илҳомлантирмоқда.

Империализмнинг агрессив доиралари ҳарбий тайёргарликни зўр бериб авж олдираётган ҳозирги пайтда Совет давлатини қурол кучи билан ҳимоя қилишнинг умумий системасида Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг роли ортиб бормоқда. Бу қўшинларнинг жангчилари Ватан олдидаги, Коммунистик партия ва халқ олдидаги буюк масъулиятни тўла ҳис этиб, ўз традицион байрамларини ўқишда ва хизматда, ҳушёрликни оширишда, интизомни мустаҳкамлашда янги-янги ютуқлар билан кутиб олмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Тошкент область Чиноз районидаги «Олмазор» совхоз-заводининг директори ўртоқ Ҳамид Исмоилович Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қишлоқ хўжалиги органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Жиззах область Ғаллаорол районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозининг директори ўртоқ Бахриддин Убайдуллаевни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги ва ижтимоий ҳаётда актив иштирок этганлиги учун Тошкент область Калинин район қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ Эргаш Халиловни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ҚИЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТ

Тошкент шаҳар партия комитети билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси уюштирган методологик семинарнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

Семинарни республика Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Юсупов кириш нутқи билан очди.

Кўп сонли пропагандистлар, олимлар, ишчи ва хизматчилар қатнашган машғулотда И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори, фалсафа фанлари доктори, профессор Қ. Хоназаров «Социализм шароитидаги зиддиятлар ва уларни бартараф этиш йўллари» мавзуида доклад қилди.

Ривожланган социалистик жамият тараққиётининг энг муҳим масалаларига бағишланган семинар машғулоти йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

«КОМПРЕССОР»НИНГ ИШИ ЧАҚҚОН

Ватанимизда ишлаб чиқарилган биринчи роторли компрессорлар Тошкентдан Москва, Қозон, Хабаровск ва бошқа шаҳарлардаги нон комбинатларига жўнатилди. Шу машиналар ёрдамида ўша жойларда ун пневмотранспорти ташкил этилади: роторли компрессор ҳосил қиладиган қисилган ҳаво «қуруқ» бўлиб, унда сурков мой заррлари бўлмайди.

— Бунга сабаб шуки, янги машинанинг иш органи мойлашга муҳтож эмас, чунки унда ишқаланадиган деталларнинг ўзи йўқ, — дейди «Компрессор» заводининг бош конструктори А. Ванинсей. — Эгри чизиқли икки ротор бир-бирига қарама-қарши айланади. Шулар ўртасида кичрайиб боradиган қисилиш камарлари ҳосил бўлади. Ҳаво бир камерадан иккинчи камерага ўтиб 2,5 атмосфера босим олади. Компрессор бир минутда 12 кубометр қисилган ҳаво беради.

Қисилган ҳавонинг софлиги роторли компрессорнинг бирлигина фазилатидир. Шу билан бирга унинг тежамлилиги ҳам катта. Ишқаланиш жуда оз бўлганлиги туфайли бу машинанинг механик фойдали иш коэффициенти 98 процентга баравар. Бу рақам аввалги моделга нисбатан бир ярим баравар юқори. Иш ресурси эса беш баравар кўп — 60 соатга боради. Компрессор автомат режимда ишлайди, иш чоғида киши хизматига муҳтож эмас ва олисдан туриб бошқарилади.

Серунум машина Қозон компрессорсозлик махсус конструкторлик бюросида ихтиро этилган ва кўпгина мамлакатларда патентлар билан ҳимоя-ланган.

Корхона йил охиригача яна 50 та роторли компрессор тайёрлаб чиқаради. Уни қурувчилар ҳам сабрсизлик билан кутишмоқда. Бунда компрессорлар цемент ва бошқа тўқилувчи материалларни ташишда ишлатилади. Химиклар ва фармацевтлар бўлса ўз корхоналарида пневмотранспортни йўлга қўйиш учун шундан фойдаланадилар. Балиқ боқувчилар эса ҳовузлардаги сувни айлантириб туришда фойдаланадилар. Хуллас, янги машиналарга эҳтиёж катта.

— Шунинг учун ҳам биз тамомила фақат роторли компрессорлар ишлаб чиқаришга ўтиш ниятидамиз, — деди завод директори Н. С. Новаченко.

Завод меҳнат унумдорлигининг ўсиши жиҳатидан беш йиллик марраларига эришиб бўлди. «Компрессор» 1983 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларига кўра, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Ҳозир корхона реконструкция қилинмоқда, техника жиҳатидан қайта қуроллантирилмоқда.

В. ЧЕРНОМОРСКИЙ, ЎзТАГ мухбири.



Суратда: Қизил Байроқ орденли Закавказье ҳарбий округи ҳаво ҳужумига қарши қўшинлари Н-қисмида машқ пайти.
А. Мамедов (ТАСС) фотоси.

ПАХТА, ДАВР, МАШИНА...

ЖУРНАЛИСТ ЎЙЛАРИ

— Агар уй-жойлар ҳам худди ўлкалар ва шаҳарлардек ўз герби, ўз нишонига эга бўлсайди, қуёшли диёримизнинг ҳар бир хонадони эшиги пештоқида шубҳасиз пахта чаноғидан ясалган гербсимон рамзий нишон чарақлаб турган бўлурди, — деган эди бир суҳбатда жиззахлик оддий пахтакор, механик-ҳайдовчи Бекмурод Жиянмуродов. — Чунки, республикамиз кишиларининг меҳнат севинчи, оила тўйинчи, довруг-шони, бутбутун нони — ҳаммаси пахтадан!

Мен Бекмурод акани ўтган йилнинг август ойида кенг далада учратгандим. У менга шохлари шакл олиб, шиғил-шиғил кўсаклаган бир туп ғўзани кўрсатиб деди:

— Бултур ана шундай авж билан ўсган ғўза пайкалларининг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олувдик. Бу йилги маррамиз — 50! Ҳаммасини машинада терамиз деб турибмиз. Биласизми, кейинги йилларда машина терими кучайиб кетди. Ҳозир далаларимизда 6—7 хил маркали терим агрегатлари ишлаб турибди. Ҳаммаси ҳам ўзига хос яхши машиналар. Лекин гоҳида ўйлаб қоласиз киши: уларнинг маркасини бу қадар кўпайтираверишнинг ўзи керакми? Ахир уларнинг турларини кўпайтириш хўжаликка фойда билан бирга анча-мунча қийинчилик ҳам туғдиради-ку? Эҳтиёт қисм дейсиз — чопасиз, техника ремонти дейсиз — шошасиз, кадрлар масаласи дейсиз — еласиз, янгисини оламиз дейсиз — югурасиз...

Оддий механизаторнинг ана шу ўйлари билан Мирзачўлдаги «Малик» ва Тошкентдаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозларида бўлиб, янги машина намуналарини синовдан ўтказувчи мутахассислар, инженер-техник ходимлар ва механизаторлар билан фикрлашдим. Ҳаммасининг хулосаси бир бўлди: ягона универсал пахта териш машиналари яратиш пайти аллақачон келган!

Шундан сўнг яна ўйланиб қолдим: у ҳолда нега бу ҳақда ҳануз ўйлаб кўрилмаяпти?

Бир куни Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводига бордим. Корхона музейида кўринишидан аллақандай денгиз ҳайвонларини эслатувчи машина суратини кўрдим. Унинг сўрғичли пайпаслагичларига ҳайрат билан боқдим. Тележка устидаги бочкасимон бункердан ҳашарот мўйларига ўхшаш ўнта резинка шланг чиқиб турибди. Одамлар уни кўтариб юриб очилган чаноқларга тутяпти. Сўриб олинган пахта тўғри бункерга тушмоқда. Бу — вакуумли пахта териш машинаси деб аталган «занг-ори кема»ларимизнинг дастлабки аждодларидан эди.

Орадан йиллар ўтди. Давримиз олдинга одимлаб, фан-техникамиз олга босаверди. Илк терим агрегатлари республикамиз далаларига 1948 йилда кириб келди. 80-йиллар бўсағасида уларнинг тури, сони ва сифати ошди. Бурноғи ва ўтган йилларнинг ҳар бирида республикамиз заршунослари деярли 6 миллион тоннадан «оқ олтин» етказиб берди. Ҳар гал бунинг қарийб, ярми машиналарда териб олинди. Кўпгина районлар, хўжаликлар, юзлаб бригадалар етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини «пўлат этак»ларда йиғиштирди. Ёки мамлакат бўйича ҳар йилги тайёрланаётган 10 миллион атрофидаги хом ашёнинг қарийб ярми ҳар гал агрегатлар ёрдамида йиғиб олиняпти.

Кўриб турибсиз, эндиликда машиналаримиз нақадар серсамара, нақадар қудратли! Айниқса, фахр ва мамнуният билан шуни таъкидлаш лозимки, уларнинг ҳаммаси бизнинг (ҳа, бизнинг!) Меҳнат Қизил Байроқ орденли К. Е. Ворошилов номидаги Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кунда унинг конвейеридан икки, тўрт, ҳатто олти қаторли агрегатлар пешма-пеш чиқиб турибди. Энг муҳими, уларнинг аксарияти — фахрли беш қиррали белги остида тайёрланмоқда.

... Бир гал хизмат вазифаси билан Ўрта Осиё машина синаш станцияси (САМИС)га бордим. Маълумки, бу ерда пахтачилик соҳасида яратилаётган янги техника ҳар тарафлама текширувдан — синовдан ўтади. Дафъатан, кўпдан буён кўнглимда тугиб юрган фикрларим шу ерда «куртак» ёзди-ю, бош инженерлик вазифасини вақтинчалик бажариб турган тажрибали мутахассис А. Идрисов билан мулоқотда бўлдим.

— Биз хом ашёни икки марта қайта тозалаб бера қонларимизга маъқул тушди. Тор ва кенг қаторлар бўйлаб ингичка толали пахта теришга ихтисослашган— «ХВН—1,2 А», «ХВН — 1,8» агрегатларимиз давлат Сифат белгиси остида чиқяпти... Ўзиюрар универсалларимизга келганда, тўғриси, уларнинг бунёдга келишини биз ўзимиз ҳам ошиқиб кутяпмиз...

1984 йил. Пахтачилик машиналари бўйича ихтисослашган давлат бош конструкторлик бюроси (ГСКБ) бошлиғи, бош конструктор П. М. Мирзааҳмедов билан учрашдим. Мен ундан пахта териш машиналаримизнинг қадр-қиммати, жаҳон бозоридаги ўрни, сарф-харажатининг қопланишига, Жиззах область Октябрь районидаги Собир Раҳимов номли совхоз механизатори Бекмурод Жиянмуродовнинг орзу-ўйларига, шунингдек айрим хўжалик раҳбарлари, инженер-техник ходимлари ва мутахассислар билан бўлган суҳбатларим тафсилотига оладиган «ХНП—1,8» маркали ажойиб терим машинасини синовдан ўтказиб, ишлаб чиқаришга тавсия этдик, — ҳикоя қилди у.— Машина подборщик ва ягона бункерга эга. Бундай агрегатларнинг ўнтаси бундан 6 йилча олдин ҳаётга йўлланма олганди. Ҳозир уларнинг сони кўпайди. Ўрғлик пахтани қаватлаб теришга мослашган «ХВБ — 1,8» комбайни ҳам деҳжавоб тарзида қисқача фикр билдиришни сўрадим.

— Кўп қаторли машиналар яратишни биз бундан қарийб 15 йилча олдин ўзлаштириб олганмиз, — сўз бошлади у. —Қиёс учун Америка машинасозлари ишини оладиган бўлсак, уларда бу ишга энди киришиляпти. Қолаверса, улар яратаётган машиналарнинг тузилиши ортиқ даражада мураккаб: икки қаторли теримлари тайёр. Чунончи, 60 ва 90 сантиметрли ғўза қатор ораларида ишлай оладиган икки хил маркали машиналар конструкция қилиняпти. Уларнинг тахминий номлари «ХС—01», «ХС — 02» бўлиб, 1984-1985 йилларда ишлаб чиқаришга қўйишни кўзда тутганмиз...

Дарвоқе, суҳбатдошим айтганидек, кўзда тутилаётган бу агрегатларнинг самарадорлиги, пишиқ-пухталиги ва қулайлиги шундаки, улар бир йўла пахта ҳам теради, тўкилган толани ҳам йиғиштириб олади ва қатор ораларини бир йўла тозалаб ҳам беради. Айни пайтда механизатор кабинаси шовқин-суронни ўтказмайдиган герметик жиҳозлар билан ускуналанади, мўътадил ҳаво билан таъминловчи чанг ушлагичларга эга бўлади. Бошқарув пульти ричаглари бирмунча содда ва қулай жойлаштирилган бўлиб, аппаратларнинг иш жараёни тўла автоматлаштирилади. Механизатор илгаригидек минут сайин ричакка эгилавермасдан бутун диққат-эътиборини терим сифатига қаратади.

Бункерда пахтани пресслаш муаммоси ҳам четда қолмаган. Прессловчи ускуна лойиҳаси аллақачон тайёр. Илгари механизатор бункер ичига кириб, йиғилган пахтани тўлган сайин пресслаб турарди. Энди эса бу ишни махсус пресслаш механизми бажаради...

Яқинда Жиззахда бўлиб, механизатор Бекмурод Жиянмуродов билан яна учрашиб қолдим. Мен унга конструкторлик бюросида қилинаётган ишлар ҳақида сўзлаб бердим. Шунда у: «Режалар яхши, албатта. Лекин ҳамма гап конструкторларимизнинг ўша ўй-режалари билан ижодий изланишларини ҳаётга тезроқ жорий этишда қолган», — деди алланечук киноя билан.

Начора?! Жавоб киноямуз бўлса-да, тўғри айтилди. Чунки конструкторлар билан машинасозлар пахтакор деҳқон кўпдан буён орзиқиб кутаётган универсал терим машинасини 1984—1985 йилларда ишлаб чиқаришни ва беш йиллик охирига қадар уни тўла ўзлаштиришни ваъда қилишганди-да!

Кўриб турибсиз, белгиланган муддат келди. Универсал терим машиналаримизнинг илк нусхалари ўтган йили машина — синов станцияларида ва пахтакор республикалар хўжаликларида дастлабки синовдан ҳам ўтди. Лекин асосий синовлар ҳали олдинда. «Имтиҳон» бу йил ҳам давом этади. Ўйлаймизки, конструкторлар ва машинасозлар бободеҳқон оғирини енгил қилувчи универсал агрегатларни партия-ҳукуматимиз белгилаган муддатга етказиб берадилар. Биз унинг тезроқ, тезроқ ва фақат тезроқ «туғилиши»ни кутяпмиз. Механизатор Бекмурод Жиянмуродов ҳар бир ўзбекистонлик хонадонинг эшиги пештоқида оппоқ пахта чаноғидан ясалган гербсимон беш қиррали рамзий нишон бўлишини бекорга орзу қилаётгани йўқ.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ, «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ҒАНИЖОН ТОШМАТОВ—70 ЁШДА

Суратда: ҳассос санъаткор, меҳрибон устоз, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғанижон Тошматов шогирдлари — дуторчи қизлар ансамбли даврасида.

В. Молгачев фотоси.

САНЪАТ ФИДОЙИСИ

ҒАНИЖОН ТОШМАТОВ... дилкаш, ширинсухан инсон, жонкуяр ва меҳрибон устоз, санъат фидойиси. Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғанижон Тошматов ҳақида гап борса, таниқли бастакорнинг шогирдлари, дўстлари шундай дейишади. Дарҳақиқат, кенг жамоатчилик қутлуғ етмиш ёшини нишонлаётган Ғанижон Тошматов қирқ йиллик ижодий фаолияти давомида уч юздан зиёд қўшиққа қанот бағишлади — куй басталади.

Ғанижон Тошматов ёшлигиданоқ санъатга меҳр қўяди. 1930 йили у Андижонга келиб, Тўхтасин Жалилов раҳбарлигидаги Андижон театри халқ чолғу асбоблари ансамблига ишга киради. Ўз фаолиятини шогирд-камончи бўлиб бошлаган Тошматов орадан тўққиз йил ўтгач, Фарғона область театрига музика раҳбари этиб тайинланади. У раҳбарлигидаги ансамбль катта Фарғона канали, Косонсой сув омбори қурилишларида бўлиб, бунёдкорларга концертлар берар, уларни янгидан янги меҳнат зафарлари сари илҳомлантирар эди. Ғ. Тошматов эса, фурсат топдим, дегунча, мана шу улуғвор ишлар мадҳ этилган қўшиқларга куй басталарди. Кейинчалик бастакор йирик ишга қўл уради — Навоий достони асосида Хуршид яратган «Лайли ва Мажнун» музикали драмасига ажойиб музика битади.

Санъат шундай бир жозибали қудратга эгаки, оғир шароитда ҳам у кишилар қалбига умид ва ишонч бағишлайди, қанот бўлади. Улуғ Ватан уруши йиллари Ғ. Тошматов Муқимий номидаги Ўзбек Давлат музикали драма ва комедия театрида ишларди. Дарҳол бастакор ансамбль тузиб, Тошкент, Бўка каналлари, Фарҳод ГЭСи қурувчилари ҳузурига отланади. Ансамбль санъаткорлари куй ва қўшиқлар, рақслар билан меҳнаткашларни мамнун этишади. Шу тариқа улуғ Ғалабага ўзларининг ҳиссасини қўшишади.

УРУШДАН КЕЙИН РЕСПУБЛИКА радиоси қошида тузилган Юнус Ражабий раҳбарлигидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамблига ишга келган Ғанижон Тошматов ижоди янада барқ уради. Ижод сирларини устозлардан ўрганган ҳолда бастакор қатор қўшиқларга куй басталайди. Борис Зейдман билан ҳамкорликда Тўроб Тўланинг «Қари қиз» музикали драмасига музика яратади. «Ироқ», «Наво», «Ушшоқ», «Тановар» сингари ўнлаб куйлар унинг ижросида қалблардан жой олган. У моҳир ғижжакчи, бетакрор услубга эга созанда сифатида эл ардоғига сазовор бўлади.

Ғанижон Тошматов истеъдодининг яна бир қирраси ташкилотчилик ишларида намоён бўлди. Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети қошидаги уйғур ансамблини ташкил этишда у фаол қатнашди, шунингдек, дуторчи қизлар ансамбли тузилиши ва доврўқ қозонишида бастакорнинг хизмати беқиёс бўлди.

Атоқли бастакор фаолияти янада қўлам касб этмоқда: у Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси мақомчилар ансамблига ҳам бош-қош.

Санъат фидойиси, ёшларнинг меҳрибон устози, ўткир асқиячи Ғанижон Тошматов етмиш ёшга тўлди. Бу халққа, санъатга бағишланган умр. Таниқли бастакор ўзи яратган оҳанрабо куйлар каби ҳали ижодда янада юксакликларга парвоз қиладилар.

ҲАМКАСБ ҚУТЛОВИ

ХИСЛАТ

ДУНЁДА БЕХИСЛАТ одамлар бўлмас, дейди шоир. Дарҳақиқат, шундай. Табиат ҳар бир фарзандига ўзига яраша хислат, истеъдод инъом этади. Гап — кишининг ўзлигини англаб, истеъдодини юзага чиқара билишидадир.

Ғанижон туғма музикачи. Унинг отаси музикага ихлосманд, акалари санъатга ошно кишилар эди. Табиийки, улар Ғанижондаги истеъдод куртакларини илғашган, уни тўғри йўлга солишган. Кейинчалик Ғанижон устоз Тўхтасин Жалиловнинг назарига тушди. Ўшанда оддий кетмончи йигит эди, уни устоз ўзи раҳбарлик қилаётган Андижон театри халқ чолғу асбоблари ансамблига ишга таклиф этди, «ғижжакни дуруст чалар экансан», деб кўнглини кўтарди...

Эсимда, 1939 йил эди. Фарғона каналида катта қурилиш бораётган пайтлар. Биз бир гуруҳ санъаткорлар Тамарахоним етакчилигида қурилишга бориб, каналчилар ҳузурида концертлар бердик. Шу кунлар Ғанижон раҳбарлигидаги махсус ансамбль ҳам (бу пайтда у Фарғона область театрида музика раҳбари эди) бу ерда келиб, бунёдкорларга маданий хизмат кўрсатди. Дафъатан Ғанижон Тошматов билан биз ана шу ерда таништик...

Ўзбекистон ССР халқ артисти, атоқли бастакор устоз Тўхтасин Жалилов истеъдодли ёшларни ниҳоятда қадрлар эди. Устоз Муқимий номидаги Ўзбек Давлат музикали драма ва комедия театрида бадиий раҳбар бўлиб ишлаётган кезлари Ғанижонни Тошкентга чақириб олди, шу тариқа иккаламиз музикант бўлиб, театрда елкама-елка ишлай бошладик.

Ғанижон давр илгари сурган масалани зийрак англайдиган нозиктаъб бастакор, моҳир ғижжакчи; истеъдодининг бу қирраларини у ўшандаёқ намоён этган. Ғанижон куй басталаган дастлабки қўшиқ («Шодлик хабар муборак») ҳам, уруш мавзусидаги кейинги асарлари ҳам, ғижжакда ижро этган дилрабо куйлар ҳам шундан далолат беради.

ЯҚИНДА «НАВО» куйини тингладим. Бу куй ҳаёлимни ёшлик дамларимизга етаклаб кетди. Тўхтасин Жалилов озмунча шогирд етиштирдими! Саиджон Калонов, Набижон Ҳасанов, Муҳаммаджон Мирзаев, Комилжон Жабборов, Мамадазиз Ниёзов — буларнинг ҳар бири санъатимиз равнақига муносиб улушларини қўшишди. Ана шулар орасида ўзи ҳам бугун юзлаб ёшларга устоз бўлган, Тўхтасин Жалилов ишончларини оқлаган Ғанижоннинг ўз ўрни, ўз куйи, ўз мактаби бор.

«Наво», «Тановар», «Ушшоқ»... Ғанижон Тошматов ижросида бу куйларни тинглар экансиз, инсоний кечинмаларни мусиқада бу қадар нафис, теран ва ранго-ранг ифодалай олиш мумкинлигига ҳайратланасиз. Бунинг учун созанда туғма истеъдод соҳиби бўлмоғи керак. Ғанижонда эса шу хислат мавжуд. Ҳа, у ғижжак сирларини ҳам кўпларга ўргатди. Сурнай мақомларини нечоғлик мукаммал билиши ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Ана шу фазилат бастакор асарларининг ширали, таъсирчан чиқишини таъминлайди. Унинг «Севги дегани нимайкин ўзи?», «Истадим», «Бахтимдан» ва шу каби қатор асарларга басталаган куйлари шундан далолат беради. Ғанижон халқ куйларининг билимдони. Шу боис, хоҳ лирик, қўшиққа, хоҳ шўх лапарга куй басталасин, меҳнати ҳамиша элга манзур бўлади, чунки асарларида халқ таъбига мувофиқлик бор.

Ғанижон Тошматов ижодининг сермашаққат йўлини босиб ўтди, кўз-кўз қилгулик асарлар яратди, муносиб шогирдлар етиштирди. Энг муҳими, эл муҳаббатини қозонди, элим деб яшади, ижод қилди. Табиийки, олдинда Ғанижон кўзлаган довонлар бор. Биз қутлуғ ёши билан уни қутлаймиз, олдиндаги довонларни ҳам забт этишига тилакдошмиз.

Дони ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон ССР халқ артисти, бастакор.

МОСКВАДАН ХАТ

НАШРИЁТ АРМУҒОНИ

▲ «Советский писатель» нашриёти ижодий коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик тўйига муносиб армуғонлар ҳозирламоқда.

Биргина шу йилнинг ўзида ўзбекистонлик қатор адибларнинг турли жанрдаги асарлари чоп этилди. Сарвар Азимов ва Тўлепберган Қаипбергановнинг, Ҳамид Ғулом ва Жуманиёз Жабборов каби шоир ва адиблар китоблари иттифоқ ўқувчилари томонидан қизғин кутиб олинди. Нашриёт республиканинг қутлуғ тўйига қадар ўзбек адибларининг яна бир неча асарини нашрдан чиқаради. Ана шу китобларнинг бири «Қуёшли уй» деб аталган.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Муҳаммад Алининг номи Иттифоқ шеърхонларига яхши таниш. Муҳлислари ҳукмига ҳавола этаётган янги тўпламини шоир «Соз» деб номлабди.

Зиннат Фатхуллиннинг «Кумуш тўйлар» китобига эса атоқли драматургнинг энг сара пъесалари киритилган.

Юбилей йилида ўзбек ёзувчиларининг қатор китоблари ҳам нашрдан чиқади. Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, таниқли адиб Пиримқул Қодировнинг «Олмос камар», Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» асарлари шулар жумласидандир.

С. КОСТИРКО.

КИНОФЕСТИВАЛЬ ЧОРЛАЙДИ

Тошкент халқаро киноанжумани қатнашчилари ва меҳмонлари билан бўлиб ўтган дастлабки байрамона самимий учрашувларни тинчлик ва дўстлик фестивали деб атамоқдалар. Кинематографчиларнинг Тошкентдаги дастлабки учрашувидан кейин 16 йил ўтди. Аммо ўшанда янграган «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» олижаноб шиорининг сўзлари бугун ўз санъатини инсониятнинг юксак идеалларига бағишлаётган кишилар учун янги куч билан янграмоқда.

Ҳозирнинг ўзидаёқ 70 дан ортиқ мамлакат Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VIII Тошкент кинофестивалида иштирок этишга розилик берди, дейди кинофестиваль бош директори А. А. Абдуллаев ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда. Улар орасида Япония, Ҳиндистон, Миср, Бразилия, Мексика, Аргентина, Туркия, Куба Сенегал каби мамлакатларнинг атоқли кинематографчилари бор. Афғонистон, Ангола, КХДР, Мозамбик, Непал, Хитой ўзларининг бадиий ва ҳужжатли ленталарини расмий ва информацион | кўрикда намойиш қилиш истагини билдирдилар.

Биз АҚШдан ҳам меҳмонлар келишини кутаяпмиз. Режиссёр Жоан Харви Тошкентда ўзининг «Америка Гитлердан то МХ ракеталаригача» лентасини кўрсатишни истаётганлигини маълум қилди. Австралия ҳам Тошкент фестивалининг меҳмони бўлади. Шу тариқа барча қитъаларнинг вакиллари ўз асарларини намойиш қилибгина қолмай, шу билан бирга анъанавий ижодий мунозаралар столи атрофида ўз фикрларини айтадилар. Мунозаралар вақтида муҳим ижтимоий проблемаларни ўртага қўйиш ва ҳал этишда, тинчлик, демократия ва халқлар дўстлиги идеалларини қарор топтиришда кино санъатининг жуда катта роли бир неча бор таъкидлаб ўтилди.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари фестивалининг шиори ҳозирги замон илғор кучларининг асосий орзу-умидларига ва муддаоларига реал жавоб беради. Шунинг учун анжуманга жамоат ташкилотлари, давлат арбоблари муттасил зўр қизиқиш билан қарамоқдалар. БМТ, ЮНЕСКО ва Фаластин Озодлик ташкилоти вакиллари яна Тошкентга келишади. Фестивалда министрлар, маданият ва кино турли ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этадилар.

Бош дирекция бразилиялик режиссёр Нелсон Перейра дос Сантос, японияли режиссёр Кането Синдо (унинг «Хиросима болалари», «Тақир орол», «Кўр музикачи» лекталари Тошкентнинг фестиваль экранларида намойиш этилган), ҳиндистонлик режиссёр Мринал Сен каби атоқли кино усталари яратган кинокартиналар информацион кўрсатувларига тақдим этилишини маълум қилди.

Полен Вийера ўз фильмлари билан яна Тошкентга келади. У бундан ўн икки йил муқаддам биринчи марта мамлакатимизга келганда шундай деган эди «Совет давлати мавжудлигининг ўзи бутун дунёдаги муҳитни соғломлаштириб турадиг». Сенегаллик режиссёр кинематографчиларнинг Тошкентдаги учрашувларида мунтазам қатнашмоқда.

Ҳозирги кунда барча муассасалар VIII ҳалқаро кинобайрамига ҳозирлик кўрмоқдалар. Кўпдан-кўп плакатлар, буклетлар, фестивалга бағишланган ва қардош иттифоқдош республикалар кино санъати эришган ютуқлар тўғрисида ҳикоя қилувчи турли нашрлар кўргазмаларининг эскизлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Жамоат ташкилотларининг совринлари, байрам қатнашчилари ва меҳмонлари учун ёдгорлик буюмлари тайёрланмоқда.

Чет эллларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ХАЛҚАРО ВАЗИЯТДА БУРИЛИШГА ЭРИШАЙЛИК!

Совет Иттифоқи қуролланиш пойгасини тўхтатиб қолиш ҳамда уни орқага буриб юбориш учун интилиб, ҳалол, амалий мулоқотни, шу жумладан АҚШ билан ҳам тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципига мос бўлиб тушадиган шартномаларни ишлаб чиқишга қаратилган мулоқотни ёқлаб чиқмоқда. Ўртоқ К. У. Черненконинг Социалистик интернационал раҳбар арбоблари мурожаатига жавобини ҳамон кенг кўламда муҳокама қилиб, шарҳлаётган жаҳон жамоатчилиги ва матбуоти шундай хулосага келмоқда.

Совет Иттифоқи мулоқотга интилишини таъкидламоқда ва бу жуда муҳим фактдир, деди Италия Министрлар Советининг Раиси, Социалистик интернационал раисининг ўринбосари Б. Кракси. Совет Иттифоқи тинчлик ва барқарорлик манфаатларини кўзлаб жиддий музокаралар жараёни яна бошланади, деб умид билдирди.

Чехословакиянинг «Руде право» газетаси қуйидагиларни ёзади: Совет раҳбари тинчликка бўлган букилмас иродасини, халқаро муносабатларни нормаллаштириш йўлида турган ғовларни бартараф этиш учун ҳамма ишни қилишга тайёрлигини яна бир бор тасдиқлади. СССР олга сурган кенг кўламдаги ташаббуслар комплекси қуролланиш пойгасини жиловлашга, кескинликни юмшатишга эришишга қаратилгандир. Совет раҳбари олга сурган таклифлар реалистик ва бемалол амалга оширса бўладиган таклифлардир. Уларни рўёбга чиқаришга бир нарса — Америка маъмуриятининг авантюрачилик, агрессив сиёсати тўсқинлик қилмоқда.

К. У. Черненко қуролланиш пойгасини тўхтатиш мақсадини кўзловчи совет таклифларини эслатиб, Европа тупроғида жойлаштирилаётган Американинг ҳар бир ядровий ракетаси билан хатарли чизиқ сари янги қадам қўйилаётганлигини таъкидлади, деб уқтиради Тунисниг ТАП ахборот агентлиги.

Совет раҳбари, деб ёзади Ҳиндистоннинг «Патриот» газетаси, қуролланиш, шу жумладан ядровий қуролланиш пойгаси кучайиб, тобора даҳшатли бўлиб қолаётган бир пайтда ядро қуролларини чеклаш ва қисқартириш масалаларига доир музокаралар жараёни АҚШ сиёсати натижасида қасддан барбод этилганлигини уқтириб ўтди.

Бразилия миллий кенгрессининг депутати Алуизиу Безерра К. У. Черненконинг жавобини СССР қуролланиш пойгасини жиловлашга доир муҳим масалалар юзасидан АҚШ билан ҳалол, жиддий музокаралар олиб боришни астойдил истаётганлигининг яққол далили, деб баҳолади. Мулоқотни реалистик асосда яна бошлашга қилинган бу даъватни барча тинчликсевар халқлар мамнуният билан кутиб олдилар, деди у. Аммо Р. Рейган маъмурияти ўзининг сурбетларча ва хатарли сиёсатини зўр бериб давом эттирмоқда.

Совет Иттифоқи, деб ёзади Кипрнинг «Харавги» газетаси, Европада ва жаҳонда вазият кейинги вақтларда жиддий равишда ёмонлашганлигидан хавотирланаётган кишиларнинг ташвишини яхши тушунади ва бунга қўшилади. Бу — Совет Иттифоқидан ҳарбий-стратегик устунликка эришиш мақсадида таркиб топган кучлар мувозанатини бузмоқчи бўлаётган Ғарбдаги муайян доираларнинг сиёсати натижасидир. СССР халқаро иқлимни яхшилашга интилмоқда. У — тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципига асосланган шартномаларга эришишга қаратилган ҳалол, амалий мулоқот тарафдоридир.

(ТАСС).

ДЎСТЛИГИМИЗ РАМЗИ

Шу кунларда Ҳиндистон элида катта тантана. Улуғ ҳинд халқи ўзининг биринчи фазокори, космонавти Ракеш Шармани қутламоқда.

Мен миннатдор ҳинд халқи номидан улуғ совет халқига, Октябрь Ватанига ташаккурлар билдираман. Ҳиндистон Республикаси гражданига яратилган ушбу имконият учун чин юрақдан раҳматлар айтаман! СССР — Ҳиндистон ҳамкорлиги ривожланаверсин!

Манзар САЛИМ,
ҳинд адиби.

АФҒОНИСТОНГА ВИЗИТ

КОБУЛ. Афғонистон теварагидаги аҳволни сиёсий бартараф этиш юзасидан ўз зиммасига юклатилган вазифани бажариш учун БМТ Бош секретарининг шахсий вакили Д. Кордовес Афғонистон пойтахтига келди. АДР ташқи ишлар министри Ш. М. Дўст у билан учрашди. Ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари Г. С. Юреш ва М. С. Донишжу, шунингдек делегация аъзолари иштирок этган учрашув ноғида Д. Кордовеснинг ўз вазифасини давом эттириши билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашиб олинди, деб хабар қилади Бахтар агентлиги.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● БУДАПЕШТ. Венгриянинг Сольнок шаҳридаги «Мезегеп» заводи билан ГДРдаги қишлоқ хўжалик техникасини кўплаб ишлаб чиқарадиган энг катта «Фортшритт» комбинати ўртасидаги самарали ҳамкорлик 15 йилдан буён давом этиб келмоқда. Шу беш йилликда кооперация доирасида маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстириш суръати йилига салкам 20 процентни ташкил этди. ГДР машинасозлари Венгриянинг комбайнларга тиркаладиган машина-ускуналари, қишлоқ хўжалик техникасининг запас деталлари ва узеллари юксак сифатли эканлигини қайд этмоқдалар.

● КУАЛА-ЛУМПУР. Бу ердаги Совет маданият марказида Совет Иттифоқи билан Малайзия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. «Малайзия—СССР» дўстлик жамиятининг вице-президенти Шарун Пин Юб мамлакат жамоатчилиги вакиллари йиғилишида сўзга чиқиб, самарали Совет—Малайзия ҳамкорлиги ривожланаётганлигини қайд этди. Совет ва Малайзия халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва дўстлик муносабатларини чуқурлаштириш, деди у, иккала мамлакат манфаатларига мос бўлиб тушади. Кечада СССРнинг Малайзиядаги элчиси Б. Т. Кулик ҳам сўзга чиқди.

(ТАСС).

ШОНЛИ САНА

ХЕЛЬСИНКИ. Дўстлик, ҳамкорлик ва Ўзаро Ёрдам тўғрисида 1948 йил апрель ойида имзоланган Совет — Финляндия шартномасининг 36 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Финляндия республикаси президенти М. Койвисто ҳукумат аъзолари, сиёсий партиялар, савдо-саноат ва жамоатчилик доираларининг вакиллари, шунингдек шартноманинг йиллиги муносабати билан бу ерга келган совет делегацияси қатнашди.

Финляндия савдо-сотиқ министри С. Линдблум ва совет делегацияси бошлиғи РСФСР ташқи ишлар министри В. М. Виноградов йиғилишда нутқ сўзладилар. Финляндия бош министри К. Сорса шу шонли сана муносабати билан қабул маросими ўтказди.

(ТАСС).

ХАНОЙДА КЕНГАШ

ХАНОЙ. Бу ерда социалистик мамлакатлардаги, шунингдек Европа ва Африкадаги бир қанча мамлакатлар комунистик ва социалистик ишчи партиялари Марказий Комитетлари ҳузуридаги илмий тадқиқот муассасалари раҳбарларининг кенгаши очилди. Кенгаш иштирокчилари халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг муҳим назарий проблемаларини муҳокама қиладилар, илмий тадқиқот ишлари соҳасида қардош партиялар ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашиб оладилар.

ВКП Марказий Комитети секретари Хоанг Тунг Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан кенгаш иштирокчиларини табриклаб нутқ сўзлади. У Вьетнам революциясининг эришган барча ғалабалари марксизм-ленинизмнинг улуғвор кучидан яққол далолат бераётганлигини уқтириб ўтди. Ягона тўғри революцион таълимот — марксизм-ленинизм планетамиздаги коммунистлар ва халқлар енгилмас куч-қудратининг манбаи бўлиб қолди.

(ТАСС).

ЗАМОННИНГ ЭНГ МУҲИМ МАСАЛАСИ

ЖЕНЕВА. Қуролсизланиш масалаларига бағишланган конференция ядровий урушнинг олдини олиш масаласини кўриб чиқишга киришди. Замонамизнинг бу энг муҳим масаласи шу сессиянинг кун тартибига социалистик мамлакатларнинг ташаббуси билан биринчи марта алоҳида масала қилиб киритилди. Бу ташаббусни қўшилмаган ва бетараф давлатлар қўллаб-қувватладилар.

Социалистик мамлакатлар группасининг шу проблемага бағишланган биргаликдаги ҳужжати шу муносабат билан конференция иштирокчилари ва сиёсий кузатувчиларни ғоят қизиқтирди. Бу ҳужжатда жумладан, АҚШнинг ҳарбий устунликка эришишга, Вашингтоннинг жаҳонга тиқиштираётган қуролланиш пойгасига қаратилган стратегик йўли, жумладан инсоният цивилизациясининг ўзига таҳдид қилаётган ядровий уруш келиб чиқиши реал хавфининг манбаи эканлиги уқтириб ўтилади.

(ТАСС).

ГВИНЕЯДАГИ ВАЗИЯТ

КОНАКРИ. Гвинеяда қуролли кучларнинг вакиллари ҳокимият тепасига келганидан кейин мамлакатдаги вазият аста-секин нормаллашиб бормоқда. Давлат муассасалари ва магазинлар, телефон ва телеграф алоқаси ишлаб турибди. Комендантлик соати ҳозирча сақланиб қолмоқда. Халқаро аэропортлар ва чегаралар ёпиқ.

Миллий тикланиш ҳарбий комитети (МТҲК) эълон қилган ахборотда мамлакат янги раҳбарларининг асосий мақсадлари баён этилади. Ҳужжатда айтиладики, МТҲК демократия принципларига амал қилади ва миллий бирликни мустаҳкамлаш йўлини ўтказади. Экономика соҳасида структуравий ислоҳотларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Ахборотда мамлакат янги раҳбарларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Африка Бирлиги Ташкилоти ва қўшилмаслик ҳаракати принципларига батамом содиқлиги таъкидланади. Гвинея Африкадаги, Яқин Шарқдаги ва бошқа регионлардаги барча миллий озодлик ҳаракатларини актив қўллаб-қувватлайди. МТҲК барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш йўлини ўтказади, илгари тузилган жами халқаро шартномаларни ва Гвинеянинг мажбуриятларини ҳурмат қилади.

Миллий тикланиш ҳарбий комитети Гвинея янги ҳукуматининг составини эълон қилди. Унинг составига қуролли кучларнинг 25 вакили ва 8 граждан шахс аъзо бўлиб кирди. Полковник Лансана Конте республика президенти, Диара Траоре эса бош министр бўлди. Капитан Фасине Туре ташқи ишлар министри, капитан Лансине Кейта эса мудофаа министри этиб тайинландилар. (ТАСС).

ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

АГРЕССИЯ ВА ИҒВОГАРЛИК ИТТИФОҚИ

Мана 35 йилдирки, Вашингтоннинг бевосита иштироки ва ҳомийлигида тузилган агрессив НАТО блоки Европа сиёсий ҳавосини заҳарлаб келмоқда. Европа ва жаҳондаги вазиятни кескинлаштириш, қитъа халқлари ва мамлакатларининг ўзаро яқинлашувига тўсқинлик қилиш, ҳарбий васвасани авж олдириш, ядровий урушга тайёгарлик кўриш, социалистик давлатларга нисбатан ҳарбий устунликни қўлга киритишга интилиш ушбу машъум блокнинг асосий касбу кори бўлиб қолмоқда. НАТО блокининг ўтган бутун тарихи, унинг халқлар тинчлиги ва осойишталигини бузишга қаратилган фаолияти ана шундан далолат бериб турибди.

Америка генераллари ва дипломатларининг таъсирида бўлган Шимолий Атлантика пакти ҳарбий харажатларни кўпайтиришда йилма-йил янги рекорд қўймоқда. Ҳозир унинг йиллик ҳарбий сарфлари 300 миллиард долларга тенг бўлмоқда. НАТО раҳбар доиралари ушбу иттифоққа аъзо бўлган давлатларни янги касалхоналар эмас, балки янги ракеталар қуришга, миллион-миллион уйсиз меҳнаткашлар учун турар-жойлар яратишга эмас, балки янги танклар сотиб олишга мажбур қилмоқда.

НАТО ўз тарихида амалга оширган инсониятга ва тинчликка қарши ишлар рўйхати сон-саноқсиз. Улардан энг хавфли ва хатарлиси, Европа ва планетадаги вазиятнинг ўта кескинлашувига олиб келган НАТО кенгашининг Ғарбий Европада Американинг «Першинг-2» ва қанотли ракеталарни жойлаштириш тўғрисида 1979 йилнинг 11 декабрь тунида қабул қилган қарори бўлди.

Жаҳон жамоатчилигининг кескин норозилигига қарамай, ушбу қарор Пентагон ва НАТО стратеглари томонидан 1983 йилнинг кузидан бошлаб амалга оширила бошланди: Италия, Буюк Британия ва Ғарбий Германия ерларига дастлабки Америка ракеталари келтирилди. Шундай қилиб, Ғарбий Европа Америка ракетадромига айлана бошлади. Бонн, Рим ва Лондон эса масъулиятсизлик билан ўз мамлакатлари халқларининг ядровий ракета занжирбандларига айланиши учун йўл очиб берди. Сўзсиз, Ғарбий Европага «Першинг-2» ва қанотли ракеталарнинг келтирилиши Европадаги тинчликни мустаҳкамламади, аксинча қитъа халқлари тинчлиги ва хавфсизлигини таҳдид остида қолдирди.

Оқ уй ва НАТО штабидагилар аслида бўлмаган «совет ҳарбий хавфи»ни баҳона қилиб, «Першинг-2» ва қанотли ракеталарнинг Европага келтирилишини тинчлик учун қўйилган қадамлар деб мақтасалар ҳам, жаҳон ва Европа жамоатчилиги уларнинг қора ниятларини дарров пайқаб олди. Америка янги ракеталарига ўлим ракеталари деб баҳо берилиши, Европа мамлакатларида антиракета ҳаракатининг мислсиз кучайганлиги шундан далолат берib турибди. Совет Иттифоқи, қардош социалистик мамлакатлар Европани тинчлик ва ҳамкорлик зонасига айлантириш учун астойдил кураш олиб бормоқдалар.

Т. СОЛИЕВ.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

● НОЁБ ЎЛЖА

Тунислик балиқчилар тўрига акула илинди. 2,5 тоннали бу йиртқични 30 киши сувдан зўрга тортиб олишди. Қарийб 7 метр келадиган ноёб ўлжа кўпчиликни ҳайратга солди. Чунки, деб ёзади «Прес де Тюнизи» газетаси, бу атрофда неча ўн йиллардан бери бундай улкан акулани кўришмаган эди.

● ИНДОНЕЗИЯЛИК МАУГЛИ

Индонезиялик овчилар Суматра ороли тўқайзорида ёввойи қизчани топиб олишди. 1977 йилнинг февралида Имяти деган олти яшар қизча йўқолиб қолган эди. Ўртоқлари билан ўйнагани чиққан Имяти дарёда сузишаётганида қайиқ ағдарилиб кетган эди, Тез оқар сувда қизча чўкиб кетган, деб ўйлашарди. Орадан олти йил ўтгач, у топилди. Шу давр ичида ёввойи қизча гапиришни ва кийим кийишни бутунлай унутиб юборибди. Фарзанди топилган ота-она қувончининг эса чегараси йўқ. Улар қизлари Имятининг уйларидан 20 километр нарида, тўқайзорларда ёввойи ҳолда яшаётганини хаёлларига ҳам келтиришмаган экан.

● ҒАРОИБ СОВҒА

Қувайтлик Нусрат Маҳмуд Алига омад кулиб боқди. Беш боланинг онаси бўлган бу аёл нонушта учун балиқ тозалаётганда ҳангу манг бўлиб қолди. Чунки балиқ қорнидан чиғаноқ чиққан эди. Чиғаноқ ичида эса каттагина марварид бор экан. КУНА агентлигининг ёзишича, мутахассислар бу ғароиб совғани 230 минг доллар баҳолашибди.

ЯНГИЛИКЛАР

НАВОИЙ

ЧУПОН НОМИДАГИ СОВРИН

Навоий область партия комитети чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақа ғолиби учун икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жабай Балиманов номидаги совринни ва мукофот таъсис этди.

У ҳар йили чорва маҳсулотлари етиштиришда юксак натижаларга эришган илғор чўпонларга бериб борилади.

Жабай Балиманов умрининг охирига қадар Томди районидаги ҳозир ўзининг номи билан аталадиган совхозда чўпонлик қилди. У қўйлар наслини яхшилаш, чорва маҳсулотлари етиштириш борасида рекорд натижаларга эришди, ўзига хос тажриба мактаби яратди. Бош чўпоннинг қаҳрамонона меҳнатлари Ватанимизнинг энг олий мукофотлари билан тақдирланиб, тажрибалари эл мулкига айланди, номи чорвачилик академиги сифатида бутун мамлакатга ёйилди. Мана энди унинг номидаги совринни ва мукофотни қўлга киритиш учун навқирон областнинг минглаб чорвадорлари бир қаторда фарзандлари ва шогирдлари ҳам мусобақалашишади.

САКСОВУЛ СЕЯЛКАДА ЭКИЛАДИ

Конимех районида яйловларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Бу соҳада ўтказилган тажрибалар саксовулзорларни кенгайтириш чўл шароитидаги энг самарали усул эканлигини кўрсатди.

Конимехликлар саксовулзорларни кўпайтиришнинг энг мақбул усулини топиш йўлида кўп изландилар. Уруғ кўл кучи, самолётлар орқали сепиш билан синаб кўрилди. Лекин булар кутилган натижани бермади. Шу сабабли уруғ ўтган йилдан бошлаб сеялкаларда экила бошланди. 16 минг гектар майдонга экилган уруғ бехато унib чиқди. Ҳозир ниҳолларнинг бўйи тизза баравар бўлиб қолди. Районда бу йил шу усул билан яна шунча майдонга саксовул экилади.

ҲАЁТ ТОМИРИ

Томдиликлар Амударёдан сув келтираётган водоводни чўлнинг ҳаёт томири, деб аташади.

Бу образли ифодада ҳаётий ҳақиқат мужассамлашган. Чунки, водовод район маркази ва бир неча совхозни ичимлик сув билан таъминлаяпти.

Айни пайтда водовод трассаси тобора Қизилқум ичкариси сари одимламоқда. Уни Москва қурилиш бошқармасининг 7-участкаси коллективи бунёд этмоқда. Ватанимиз пойтахтидан келган қурувчилар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига яна 60 километр масофага қувур ётқизиш мажбуриятини қабул қилишди.

БАХТ ТУЙЛАРИ

Бахт тўйларини ихчам, камчиқим ва сермазмун ўтказишнинг таъминлаш Қизилтепа районидаги «Москва» колхози турмуш маданиятини яхшилаш координацион кенгашининг асосий вазифаларидан биридир.

Кенгаш аъзолари бу вазифани ижодий ҳал этишга, тўйларни замонавий руҳда ўтказишга кўп куч сарф этмоқда.

Яқинда колхознинг Навбоғ қишлоғида илғор колхозчи З. Номозова ва механизатор Б. Тошевларнинг бахт кечаси бўлиб ўтди. Кенгаш томонидан тузилган тўй комиссияси унинг камчиқим ва эсда қоларли ўтишига пухта тайёргарлик кўрди.

Зуҳра ва Бахшуллаларнинг бахт кечасига колхознинг ҳурматли кишилари, яқин қариндош ва дўстларидан иборат 200 киши тўпланди. Ёшларга тўйда никоҳ гувоҳномаси топширилди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, бригада бошлиғи Х. Сулаймонов, Қаҳрамон она машҳур пиллакор Ш. Ҳамроева, колхоз правлениесининг раиси М. Қосимов ва бошқалар келин-қуёвга энг эзгу тилакларини билдирдилар.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

ЧЕМПИОНЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

Тошкентдаги «Юбилей» спорт саройида бир неча кундан бери давом этаётган мамлакат чемпионати баҳслари бугун ниҳоясига етади. Йигит ва қизларнинг якка учиш бўйича мусобақалари, спорт жуфтлиги ва рақси бўйича баҳсларда қуйидагилар ғолиб чиқдилар. Чунончи, йигитларнинг қисқа программали чиқишлари мароқли бўлди. Свердловсклик Виталий Егоров муз майдони бўйлаб мураккаб ва гўзал ҳаракатларни бажаришда маҳорат кўрсатди. У ҳамон иккинчиликка пешқадамлик қилмоқда. Ленинградлик Леонид Казнаков билан ереванлик Урген Варданянлар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб туришибди. Тошкентлик спорт мастери Андрей Хвальков бу сафар ҳам нафис ҳаракатлар бажаришда бироз хатога йўл қўйди.

Маълумки, жуфт бўлиб учиш бўйича қисқа программали машқлардан сўнг москвалик Марина Австрийская билан Юрий Квашнинлар пешқадамлик қилишаётган эди. Сараево Олимпиадасининг бронза медали совриндорлари ленинградлик Лариса Селезнёва билан Олег Макаровлар иккинчи натижа кўрсатиб, кумуш медалга даъвогар эканликларини намойиш этгандилар. Уларнинг ҳамшаҳри Вероника Першина билан Марат Акбаровлар учинчи ўринни олишгани маълум. Ўтган куни жуфт бўлиб учиш бўйича эркин программали машқларни бажаришдан сўнг пешқадамлар ўрнида бир мунча ўзгариш юз берди. Лариса Селезнёва билан Олег Макаровлар бу сафар ўзларининг ажиб ҳаракатлари билан мухлису мутахассисларни ром этдилар. Юқори балл билан баҳоланган бу фигурачилар мавқеларини мустаҳкамлаб, иккиқураш ҳисобида биринчи марта мамлакат чемпиони номига сазовор бўлишди. Москвалик Марина Австрийская билан Юрий Квашнинлар мамлакат чемпионатининг кумуш медалларини қўлга киритдилар. Ленинградлик Елена Бечке билан Валерий Корниенко бронза медалига лойиқ кўрилди. Машҳур фигурали учиш устаси Ирина Роднинанинг шогирдлари Вероника Першина билан Марат Акбаровлар 4-ўринни олишди.

Катта ёшдаги фигурачилар чемпионатида биринчи марта иштирок этган тошкентлик Ирина Шишова билан Алексей Сулаймоновлар ҳам мухлисларни мамнун этишга ҳаракат қилишди. Вакилларимиз қисқа программали чиқишларда 12-ўринни эгаллашган эди. Улар мажбурий программани бажаришда бирмунча эркин ҳаракат қилиб, мавқеларини яхшилашди. Тошкентлик спортчилар иккиқураш ҳисобида тўққизинчи ўринни олдилар.

Ҳ. НОСИРОВ.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР

Людмила ПАХОМОВА,
бир неча бор жаҳон чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери.

Оқ олтин ўлкаси пойтахтида спортнинг қизиқарли турларидан ҳисобланган фигурали учиш бўйича мамлакат чемпионатини ўтказишга ташкилий жиҳатдан пухта ҳозирлик кўриллганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Баҳор шабадаси эсиб турган бир кезда ажойиб спорт саройида қизғин нафосат баҳслари давом этаётганлиги эса эътирофга лойиқ.

Спортнинг қишки турлари бўйича мавсумни якунлайдиган чемпионат ўз навбатида бўлажак Олимпиада ўйинларига дастлабки тайёргарлик босқичи бўлиб қолади. Фигурачилар сафида Е. Батанова — А. Соловьёв, Н. Аненко — Г. Сретенский, М. Усова — А. Жулин каби ажойиб ўринбосарларнинг камол топаётганлиги совет фигурачилари эришган ажойиб муваффақиятлар анъанаси давом этишидан далолатдир.



СУРАТЛАРДА: 1. (Чапда)—Н. Аненко билан Г. Сретенскийнинг (Москва области) чиқиши мароқли бўляпти. 2. Томоша залида. 3. (Юқорида) — спорт рақси бўйича совринли ўринларга даъвогар москвалик М. Усова билан А. Жулин.

Д. Михайлов фотолари.

ШОХИДАМАС, БАРГИДА

Қўқон шаҳридаги 28-алоқа бўлими олдида «Жигули» енгил машинаси тўхтади. Машинадан тушган ўттиз ёшлардаги аёл атрофга бир алангалаб олгач, таманно билан почта биноси томон йўналди. «Қойил, — кўнглидан ўтказди у, — келишиб олганимиздек нақ тушлик пайтида етиб келибман. Ҳозир дугонамдан бошқа ҳеч ким йўқ бу ерда. Оламан-у, шартта жўнайверараман».

Пештахта ортида, кўча эшикка кўз тикиб ўтирган аёл меҳмонни кўриши билан оғзининг таноби қочиб ўрнидан турди.

— Вой, бормисиз, Тўхтахон? Сизни кутавериб, кўзимиз тўрт бўлди-ку...

Меҳмон кўрсаткич бармоғини лабига босиб «тсс» деди шоша-пиша ва бидиллаб эътироз билдирди:

— Мен Тўхтахон эмас, Маргарита Ивановна ёки Клавдия Николаевна бўлиб туришим хотирангиздан кўтарилдими?

— Эсгинам қурсин, — деди алоқа бўлими оператори Н. Абдуллаева гуноҳкорона жилмайиб. Кейин у ҳам меҳмонга ҳазиллашиб сўз қотди:

— Қачондан бери номингиз турланиб турадиган бўлиб қолган-а, дугонажон?

— Сиз билан сирдош бўлганимдан буён!

Иккала аёл шарақлаб кулиб юборишди, кейин бирбирини ялаб-юлқаб кетишди.

— Посилкалар етиб келдими ишқилиб? — ҳаводатирланиб сўради меҳмон.

— Йўлингизга нигорон бўлиб ётибди...

Яна сирли шивир-шивир бошланди. Ҳурматли газетхон, майли, икки сирдош бемалол пичирлашиб турсин, фурсатдан фойдаланиб меҳмон ким, у нега исм-шарифини турлантириб юради, шулар ҳақида икки оғиз сўзлаб берайлик.

Меҳмон деганимиз Тўхтахон Хўжаева бўлади. Андижоннинг Советобод шаҳрида яшайди. Лекин, ҳамма бало шундаки, у умри бино бўлиб, бирор тащкилотда бирор кун бўлсин ишлаган эмас. Шунга қарамасдан, яхши еб, яхши ичишни, замонавий автомашинада (албатта шахсий) сайр-саёҳат қилишни, сумкасида жарақ-жарақ червонларни олиб юришни яхши кўради. Бор-ди-ю, унга бунақа орзуларга пешона тери тўкиб эришилади-ку, дегувчи топилса борми, шартта гапини қайириб ташлаб, бекорларни айтибсиз, тер тўкмасдан ҳам тараллабедод яшаш мумкин, бунинг учун каллани ишлатиш керак, — деб оғизга ўриши аниқ.

У Андижон ва Советобод шаҳарларида ўзи айтганидек, бели оғримай, кафти қабармай давр суриб юрди. Чайқовчилик, бирни ўнга пуллаш унга ёққандан ёқиб борди. Лекин бундоқ қараса, чуви чиқадиган. Шу сабабли «иш услуби»ни бир оз ўзгартиришга қарор қилди. Охири бир тўхтамга келди шекилли, эрининг номидаги 34—70 АНЕ номерли «Жигули»нинг рулига шартта ўтириб, «Қайдасан, Қўқон» деб йўлга чиқди. Қўқонга келиб, юқорида айтиб ўтганимиз 28-алоқа бўлими остонасидан қуюқ салом билан ичкарига кирди. Кирди-ю, орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас оператор Н. Абдуллаева билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Ширин суҳбат бирор соатдан сўнг тугагач, Т. Хўжаева янги дугонаси билан хайрлашиб ўрнидан тураркан, секингина деди:

— Демак, Ереванда сизнинг алоқа бўлимингизга ё Иванова ёки бўлмаса Петрова номига посилка келади. Фамилиялар сал бошқачароқ бўлгани тузук-а? Хўш десангиз, ўша Иванова ёки Петрова ўрнига худди ҳозиргидақа қилиб, каминангиз кириб келади. Бу ёғини тушундингиз-а? Лекин аёл киши бўлсам ҳам мардман, чойчақангиз яхши бўлади!

— Менга ёқиб қолдингиз, сиздан ёрдамимни аясам, номард кетай, — деди бунга жавобан Н. Абдуллаева ҳам кўтаринкилик билан.

...Оператор Н. Абдуллаева бир эмас, учта посилка яшигини Т. Хўжаеванинг ёнига қўйди. Дугонаси эса бу пайт бутунлай бошқа фамилияли одамлар номига келган посилкалар учун ўз паспорти бўйича ҳужжат расмийлаштираётган эди. Т. Хўжаева ҳужжатлар орасига 30 сўм қистириб оператора узатди. Абдуллаева пулнинг чўғига боқиб, фиғони фалакка чиқди.

— Нима, ҳар бир посилкага ўн сўмдан бермоқчимисиз? Илгарилари йигирма сўмдан узатардингиз-ку! Яна ўттиз сўм чўзинг.

— Мазахўракни қаранг-у! Бошқа пулим йўқ.

— Шунақами ҳали? — «Дугонаси»га хунук тикилди Абдуллаева. Кейин бояги посилкаларни бирин-кетин ичкари хонага ирғита бошлади. Бу ишни у бир зумда бажариб бўлгач, икки қўлини белига қўйиб, Хўжаевага рўпара бўлди.

— Билиб қўйинг, дугонажон! Номим оддийгина оператор бўлса ҳам, қўлимдан кўп иш келади. Энди анавиларни, — у посилка яшикларига ишора қилди, — ўз эгалари Маргаритами, Клавдиями келиб олиб кетади. Қани, энди жўнанг!

Чайқовчи Т. Хўжаева бундоқ ўйлаб қараса, ишлари чаппасига кетадиган. У шоҳида юрса, «дугонаси» баргида юрадиганларданга ўхшайди. Ҳай, ҳай, яна ўттиз сўмнинг баҳридан ўтмаса, чапагини чалиб қолади-я! Ахир, Ереванда 2174 сўмга 82 дона аёллар жакетини олиб, бу ёққа посилка қилиб жўнатмоқ осонми? Бу нарсаларни ҳар галгидек силлиқкина пулласа, 2300 сўмдан кўпроқ нақд фойда кўради-я!

Т. Хўжаева титраб турган қўллари билан сумкасидан яна учта шалдироқ ўн сўмликни олиб «дугонаси»нинг олдига ташлади.

— Лекин, порани ҳам маданиятсизларча олар экансиз. Буюрмасин! Қани, беринг посилкаларни.

Ҳозиргина ичкариги хонага ирғитилган посилкалар энди бирин-кетин пештахтанинг бу томонига, чайқовчининг оёғи тагига тарақлаб туша бошлади. Кейин операторнинг тўғриллагани эшитилди. Чайқовчи Т. Хўжаева посилкаларни машинасига жойлаштираётганда ички ишлар ходимлари уни милиция участкасига таклиф қилишди.

Энди шу алоқа бўлими бошлиғи С. Маҳмудовнинг гапларига қулоқ солинг: «Ё тавба, — деб ёқа ушлайди у, — Абдуллаева хатосиз ишлайдиган, чаққонгина ходим эди-я. Бунақа ишларим борлигини хаёлимга ҳам келтирмабман».

Ҳа, бошлиқ ҳайрат ичида ёқа ушлашдан нарига ўтмади. Қаранг-а, ўз қўли остида ишлаб келган масъул бир ходим алоқа бўлимини бамисоли ўзининг хусусий дўконидек билиб, чайқовчилар билан оғиз-бурун ўпишиб, пора устига пора олиб келар экану, бошлиқ бундан бутунлай бехабар эмиш! Ана сизга «раҳбарнинг позицияси!» Лоқайдлик, масъулият ҳиссини йўқотиш бундан ортиқ бўладими!

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТЕКИНХЎРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

ТАБИАТ ВА ИНСОН

СУНЪИЙ ОРОЛ

Каспийда сунъий орол пайдо бўлди. Уни Қизилоғоч давлат қўриқхонасининг ходимлари Озарбайжоннинг жанубида илиқ соҳилни ёқтириб қолган қизил ғоз (фламинго)лар учун қурдилар.

Орол вужудга келтириш учун икки мингта фламинго ўрнашган жойни тупроқ девор билан қуршаб олишга тўғри келди. Унинг атрофида эса сув. Шундай қилиб, энди одатда фламинго уясини бузадиган тулкилар, бўрилар, тўқай мушукларига энди йўл бекилди. Илгари шимолий Қозоғистондагина яшайдиган шу нодир паррандаларнинг кўпи қўриқхонага уя қўя бошлаганлиги сабабидан ҳам уларни ҳимоя этиш зарур.

— Илгари кучсиз, заиф қушларгина бу ерда қолади, деб ҳисоблашарди, — деди бош ўрмончи С. Гигашвили.— Аммо илмий ходимларимиз исбот этдиларки, экологик вазият анча яхшиланиши натижасида фламинго қишлаб қолиши учунгина эмас, шу билан бирга қўриқхонада доимо яшаши учун ҳам шароит яратилди. Иссиқ кунлар бошланиши билан уларнинг жўжа очишини кутяпмиз.

Ҳар йили Каспий денгизининг жанубидан 10 миллионга яқин қуш учиб ўтади. 350 тур парранданинг кўпи қўриқхонада қишлаш учун қолади. Унинг майдони 100 минг гектардан ошди. Қўриқхонада яшайдиганлар орасида Қизил китобга ёзилган пеликан, ҳар хил оққушлар бор. (ТАСС).

Ленкорань,
Озарбайжон ССР.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДАГИ 21-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йилига ҚУИИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг ихтисосли тракторчи—машинист (ремонт қилиш слесари ва автомобиль ҳайдаш ҳуқуқи билан), **мева сабзавотчилик усталари, чорва молларини ветеринария ишловидан ўтказиш ва молхоналарни дизенфекция қилиш операторлари, чорвачилик фермалари механизаторлари** (электромонтёрлик квалификацияси билан), **чорвачилик комплексларида ишлатиладиган ускуналарни ремонт қилиш слесарлари, чорвачилик усталари, 3-класс тракторчилари.**

Билим юрти 1962 йилдан буён бошлаб қишлоқ хўжалигида ишлаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаб келади.

Малакали ишчилар тайёрлаш учун билим юртида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган: Ўқув кабинетлари барча замонавий асбоб-ускуналар, кўргазмали қуроллар ва техникавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Танланган касбингиз бўйича барча ўқув қуроллари мавжуд бўлиб, касбингизни пухта эгаллашга имкон беради.

Барча ўқувчилар стипендия, уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, фототўгарак, футбол, волейбол, баскетбол, кураш, бокс, стол тенниси мунтазам ишлаб туради. Алоҳида футбол майдони, отиш тири мавжуд.

Ўқиш давомида ўқувчилар Ватанимизнинг гўзал ва қаҳрамон шаҳарларига экскурсияларга борадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига ўқишга конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўқиш муддати — 3 йил ва 1 йил. 3-класс тракторчи группаларида ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқишни битирган барча ўқувчиларга Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаш учун йўлланма берилади.

Кенг ихтисосли тракторист-машинист ва мева сабзавотчилик усталари группаларига фақат 8-синфни битирган ва 1 йиллик группаларга 10 синфни тугатган йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, 8 ёки 10 синфни битирганлик ҳақида шаҳодатнома, турар жойидан справка, 8 дона 3x4 см. ҳажмдаги фотосурат, билим юрти адреси: Тошкент область, Оржоникидзе райони «Геофизика» посёлкаси. Тошкент шаҳридан (1, 16, 24-автобусларда «Троицкий поворот» бекатигагача борилади. Горький номли метро станциясидан 63-автобусда, 1-«Қора сув» бекати. Луначарский шоссеси «Центр» бекатидан «Тошкент—Чингелди», «Тошкент—Тузель» автобусларининг «Геофизика» бекати).

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ИЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра профессори: экономика, пахта саноатини планлаштириш ва ташкил этиш;

кафедра доцентлари: экономика, тўқимачилик саноатини планлаштириш ва ташкил этиш: ҳисоблаш техникаси, тикувчилик буюмлари технологияси;

юқори молекуляр бирикмаларнинг химиявий технологияси проблемали лабораториясига **катта илмий ходим;**

кафедра катта ўқитувчиси: тўқимачилик машинасозлиги технологияси;

кафедра ассистентлари: пахта тозалаш саноати машиналари ва аппаратлари, ҳисоблаш техникаси, теплотехника, меҳнат муҳофазаси.

МАРҒИЛОН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ БЎЙИЧА:

кафедра доценти: материаллар қаршилиги;

кафедра ассистенти: тўқимачилик материалшунослиги.

Конкурс муддати —эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй, 10-хона.

СССР Савдо министрлиги раҳбар ходимлари ва мутахассисларининг малакасини ошириш институти ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ Савдони ташкил этишни такомиллаштириш бўйича катта ўқитувчи вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ариза ва ҳужжатлар филиал директори номига қуйидаги адрес бўйича юборилсин: 700173, Тошкент шаҳри, 173-алоқа бўлими. Бобур кўчаси, 3-уй.

Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудири: (фан кандидати ёки катта ўқитувчи);

Механика факультети физкультура кафедраси мудири (фан кандидати ёки катта ўқитувчи), катта ўқитувчи ва ўқитувчи.

Конкурс муддати — 6 ой.

Мурожаат учун адрес: 713000, Қўқон шаҳри, К. Маркс кўчаси, 63-уй.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/IV да **Олтин девор**, 10/IV да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/IV да **Ватан ишқи** (12.00, 19.30), 9/IV да **Хотиниминг эри.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Совет цирки усталари ва татар «Сабан тўйи» аттракционининг томошалари** (8/IV да 12, 15, 18.00 да).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар мудирлиги коллективи Ишлар мудирлигининг масъул ходими М. А. Гофуровга опаси

Ҳури Аббосовна АББОСОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат университети ректорати, партия ва касаба союз комитетлари шарқ факультети ҳорижий Шарқ мамлакатлари тарихи кафедрасининг профессори Т. Ғ. Ғиёсовга отаси

Ғиёсиддин Жалолович ЖАЛОЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Телефильм. 10.05 — Будильник. 10.35 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.35 — Здоровье. 12.20 — Тонгги почта. 12.50 — Совет тупроғидаги учрашувлар. 13.05 — Қишлоқ янгиликлари. 14.05 — Музикали киоск. 14.35 — Болалар учун фильм. 16.45 — Ҳаётга йўлланма. 17.35 — Телефильм. 18.35 — Халқаро панорама. 19.20 — Мультфильмлар. 19.30 — Бугун — мамлакат Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни. 19.45 — Концерт. 20.30 — Саёҳатчилар клуби. 21.30 — Время. 22.05— Дунё ва ёшлар. 22.40 — Поэзия. 23.15 — Чавандозлик бўйича СССР чемпионати. 23.45 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг! 9.20 — Киножурнал. 9.30 — Концерт. 10.00 — Рус тили. 10.30 — Концерт. 12.25 — Вдингдами, ўрток... 13.25 — Ҳайвонот оламида. 15.25 — Гандбол бўйича СССР чемпионати. 15.55 — Телеочерк. 16.10 — Концерт. 17.00 — Азизим. Бадиий фильм. 3-серия. 18.05 — «Ленинград баҳори» санъат фестивали. 19.30 — Стадион ҳамма учун. 20.00 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 20.45 — Давлат рус музейи. 21.15 — Телефильм. 21.30 — Время. 22.05 — Ганг дарёсининг қизи. Бадиий фильм. 23.15 — Қалбга яқин қўшиқлар.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.25 — Киножурнал. 10.35 — Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати. 11.05 — Инсон қалби ҳақида қисса. Бадиий фильм. 2-серия. 12.25 — Қувноқ стартлар. 13.25 —Изланиш давом этмоқда. 14.10 — Ўзбекистон спорти. 14.40 — Реклама. 18.05 — Қўғирчоқ фильм. 18.25 — Бойчечак. 18.55 — Бугун — Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни. 19.05 — Фильм-концерт. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Цирк. 20.40 — Ахборот. 20.50 — Баҳор нашидаси. 21.30 — Время. 22.05 — Инсон ва замин. 23.15 — Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати.

Қирғизистон телевиденисининг программаси.

9 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Асли болаликдан. 11.05 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.05 — Фильм-концерт. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильм. 15.50 — Онамларнинг мактаби. 16.20 — Илмий-оммабоп журнал. 16.55 — Концерт. 17.15 — Мактаб ўқувчиларининг икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. А. Жонибеков билан учрашуви. 18.00 — Жаҳон халқларининг ижоди. 18.45 — Телефильм. 19.15 —Дунё воқеалари. 19.30 —Чех филармониясининг симфоник оркестри ижро этади. 19.45 — Ишлар ва одамлар. 20.25 — Жадаллаштириш. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Қалбга яқин қўшиқлар. 22.45 — Футбол шарҳи. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.30 — Балиқ ови спорти бўйича мусобақалар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 10.05 — Фан ва турмуш. 11.05 — АБВГДейка. 12.05 — Рус тили. 15.00 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 15.30 — Вс. Вишневский. — Езувчи-коммунист. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Бадиий гимнастика бўйича СССР чемпионати. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.05 — Территория. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Орзу. 19.00 — Совет Армияси жангчилари учун. 19.30 — Ахборот. 19.45 —Ижод саҳифалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 —Время. 22.05 — Бугун оламда нима гап? 22.20 — Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.25 — МОСКВА-II. 18.10 — Телефильм. 18.40 — Қизиқувчилар экрани. 19.10 — Телефильмлар. 19.45 — Врач маслаҳати. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Эртага — премьера. 21.30 — МОСКВА-II.

РАДИО

8 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Тинчлик ва бахт қўшиқлари. 9.15 — Табассум. 11.30 — Радиотингловчилар таклиф этган программа асосида концерт. 11.50 — Тинч осмонимиз посбонлигида. 12.10 — Ишчинома. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари. Сизлар учун. 14.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшиттириш. 15.40 — Заҳарли ҳаёт. Спектакль. 18.15 — Халқаро аҳвол кундалиги. 18.30 — Студент ва ёшларнинг талабларига биноан концерт. 19.25 — Ёшлик. 20.50 — Фан уфқлари. 21.30 — Табассум. 22.30 — Қўшиқлардан қўшиқларга. 23.00 — Фигурали учиш бўйича СССР чемпионатидан репортаж.

9 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Фарғона квартетидан қисмлар. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 10.15 — Езувчилар микрофон олдида. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшиттириш. 15.40 — Халқаро аҳвол кундалиги. 19.25 — Арфа оҳанглари.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000, Тошкент-П.
Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. —09183. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 83. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12